

Э. БЕГМАТОВ, А.МАМАТОВ

АДАБИЙ НОРМА НАЗАРИЯСИ

ТОШКЕНТ – 1997

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Тилшүнослик институти**

Э. БЕГМАТОВ, А.МАМАТОВ

**АДАБИЙ НОРМА НАЗАРИЯСИ
1-қисм**

**ТОШКЕНТ
“Наврӯз”
1997**

Мазкур китобда чет эл тилшунослигига, рус тилшунослигига ва туркийшуносликда адабий тил ва адабий нормага оид ишлар ўрганилган, таҳлил қилинган ва улар илмий жиҳатдан умумлаштирилган. Китобда адабий норма тушунчаси, адабий нормадан талаб қилинувчи мезонлар, адабий норманинг типлари, адабий норманинг шаклланиш ва яшаш конуниятлари, адабий тилни нормалаш каби муаммолар ўрганилган.

Китоб олий ўқув юртлари талабалари, аспирантлар ва шу соҳа бўйича илмий кузатишлар олиб бораётган барча тилшунос мутахассислар учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

филология фанлари доктори, профессор

Н.Маҳмудов

филология фанлари доктори, профессор

Б.Ўринбоев

1. Тил нормаси тушунчаси ва унинг ўрганилиш тарихидан

Тилшунослик фани ўз шаклланиш ва ривожланиш тарихига эга бўлгани каби нормаси муаммоларини ўрганиш ҳам маълум тарихга эга. Тил нормасига оид муаммолар пайдо бўлгандан бўён чет элларда, собиқ иттифоқда бу масалага бағишлиланган бир қатор назарий ва амалий ишлар қилинди. Аммо тил нормасининг моҳияти ва унинг тил тизимидағи ўрни ханузгача етарли даражада ҳал қилинмайди. Назаримизда бунинг сабаби қўйидагича:

Биринчидан, лисоний норма тушунчаси тил, нутқ, тил тизими, усул, адабий тил, ижтимоий ва профессионал лаҗжалар ва шу каби жуда мураккаб, ҳозиргача тилшуносликда ўз ечимини тўла топмаган тушунчалар билан узвий боғлиқдир.

Иккинчидан, бу муаммони жиддий ҳал қилишдаги асосий масалалар:

1) “норма” деб қандай тил ҳодисасини айтса бўлади? (яъни, норманинг умумназарий масалалари ва яхлит таърифи масаласи);

2) тил нормасидаги ўзгаришларнинг асосий сабаблари нимада; (норманинг динамиклиги, имманентлиги, ижтимоий ҳодиса эканлиги масалалари);

3) бир маънени англатадиган икки тил бирлигидан қайси бирини адабий норма доирасига киради деб баҳолаш мумкин? (нормада вариантдорлик, услубий тармоқланганлик ва шу каби масалалар);

4) умуман лисоний нормадаги ўзгарувчанлик (динамиклик) ва бу жараёнда тилда ёки нутқда юзага келувчи тўғрилик ва хатолик ўртасидаги чегарани қандай аниқлаш мумкин? (яъни нормадан четга чиқишилар) каби муаммоларнинг ҳозирга қадар илмий-назарий ва амалий жиҳатдан етарли даражада тадқиқ этилмаганлигидир.

Лисоний нормани ўрганиш бўйича мавжуд ишларни кузатиш ва муаммоларни ўрганиш борасида тўрт асосий марказ мавжудлигини кўрсатади. Булар:

- 1) чех (Прага) тилшунослик мактаби;
- 2) Э.Косериуннинг илмий назариялари;
- 3) Америка, инглиз ва немис тилшуносларининг илмий қарашлари;
- 4) Собиқ Иққифоқ тилшунослигидаги илмий назарий қарашлар.

Биз ушбу ишимизда тил нормасини ўрганиш бўйича қайд қилинган илмий марказларда олиб борилган ишларни иложи борича тўлиқ таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз. Бундай мақсад ўзбек тили лисоний нормаларини келгусида кокрет таҳлил қилиш учун назарий асос яратишдан иборатдир. Бу ўринда таниқли тилшунос Б.С.Шварцкопфнинг қўйидаги фикрини келтириш ўринлидир: “*Норма масалалари ва адабий тилини нормалашириши билан боғлиқ бўлган муаммоларни баён қилиши умуман тил нормаси, хусусан адабий тил нормасининг*

моҳияти ҳақидаги назарий қараашлар ривожланишининг шархисиз бу муаммоларни ёритиб бўлмайди.

Гап шундаки лингвистик адабиётда норма тушунчасининг моҳияти, бу тил ходисасининг ҳар хил аспектларига турлича ёндашилган ва жуда кўп таърифлар берилган.

Ана шу ҳар ҳиллекларда назарий изланишларнинг бир неча йўналишиларини кўриши мумкин”¹.

2. Лисоний норма муаммосининг чет эл тилшуносликдаги ўрганилиши

Узоқ вақтдар давомида тил нормаси ва адабий тилни нормалаштириш муаммолари тилшунослар эътиборан четда қолиб келди. Бу масалани хал этишда прага тилшунослик мактаби деб юритилувчи илмий марказнинг хизмати деқиёсdir. Улар тил нормасининг объектив ҳодисаси эканлигини, унинг тил тизими ичидаги моҳиятини кўрсатишга ҳаракат қилдилар, бу эса кейинчалик жуда кўп тилшуносларининг илмий кузатишлари обьекти бўлиб қолди.

Прага тилшунослик мактаби намоёндалари тил нормасини, адабий тилнинг асосий вазифаларини адабий тил нормаси кодикациясининг амалий масалалари билан бирга узвий ҳолда таҳлил қилдилар. 1930-йилларнинг бошида Прага тилшунослик аъзоларининг илмий ишларида тил нормаси ва адабий тилни нормалаш, унинг кодификацияси масалалари катта назарий муаммо сифатида таҳлил қилинди. Улар тил нормасини вазифавий (функционал), ижтимоий-лисоний (лингвосоциологик) ва конкрет лисоний-тарихий ҳодиса сифатида ўргандилар. Энг аввало шуни қайд қилиш керакки, Прага тилшунослик тўгараги аъзолари тил нормасини ўё ки бу тилда сўзловчи умумжамоа томонидан мунтазам равишда фойдаланиладиган лисоний чтрудюра воситаларининг йиғиндиси деб тушундилар. Тил нормасини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилишда бу мактаб аъзоларидан Б.Гавранек, В.Матезиус, А.Едличка, В.Барнет, Е.Вахак ва бошқаларнинг хизматлари диққатга молиқdir.

Маълумки, XX аср бошларида тилшуносликда структурализм оқими пайдо бўлиб, бу оқим (структуралистлар) норма тушунчасини анча жиддий, илмий-назарий таърифлашга ҳаракат қилди. Чех тилшуноси Б.Гавранек ҳам тилга, хусусан норма масаласига структурал нуқтаи назаридан ёндашди.

Б.Гавранек ўз илмий кузатишларида нормани тизим (система) сифатида ҳарактерлаб, норма тушунчаси тил мавжудлиги доирасига бевосита алоқадорлигини ва тил доирасида мажбурий қўлланилишини таъкидлайди.

У адабий тил моҳиятидан келиб чиқиб, унинг янги тушунчаларини тавсия қилди ҳамда тил нормаси ва адабий тил кодификацияси назариясини асослашга уринди, адабий тилнинг услугий (стилистик), қабатланганлик назариясини вазифавий (функционал) нуқтаи

назаридан ёндашган ҳолда ишлаб чиқди ва чех нутқи маданиятининг ривожланишига катта ҳисса қўйди.

Б.Гавранек тил нормасининг назарий ва амалий муаммоларини хал қилиш пайтида адабий тил билан халқ тилини қиёслаб ўрганди ва нормани кўп жиҳатдан узус белгиламайди, лисоний норманинг юзага келиши ва шаклланишида фақат тилдан фойдаланишгина асосий олим эмас, чунки адабий норма, ўз моҳиятига кўра халқ тили, унинг тузилиши ва характеридан фарқланади. Шу сабабли адабий тил нормасининг юзага келишида узус маълум роль ўйнаса-да, асосий, хал қилувчи омил бўла олмайди², - деган холосага келди.

Чех тилшунослик мактабининг бошқа бир вакили юқорда қайд қилинган фикрни бошқачароқ усулда ифода этиб шундай ёзади: “*Норма котегорияси ҳеч қачон фақат адабий тил билан чегараланмайди ва фақат у билан боғлиқ эмас, лекин шунга қарамасдан норма муаммоси адабий тилга нисбатан энг мураккаб ва ижтимоий зарур ҳодисадир. Аммо адабий тил нормаси ўзига хос хусусиятларга эга, зеро, унинг муаммолари ҳам ўзига хос куринишларга эга эканлиги ҳам характерланади*”.

Б.Гавранек эса тил нормаси ҳақида фикр эритар экан, лисоний нормадаги уму учун мажбурийлик омилини асосий белги деб ҳисоблайди.

Б.Гавранек, “*тил нормаси, бу маълум бир лисоний гуруҳ аъзолари учун шарт бўлган, мажбурий қоидадир. Норма тил тизисида ўз аксини топади, акс ҳолда у ўзининг энг муҳим вазифаси – кишилар ўтасидаги алоқа воситаси вазифасини бажара олмаган бўлар эди*” – деб ёзади.

Б.Гавранек ушбу фикрни давом эттирас экан, ҳар қандай тил гурухи, у хоҳ ҳудудий гурух, ҳоҳ ижтимоий гурух бўлсин, ўзининг тил нормасига эга. Норма тушунчаси нафақат адабий тилга, балки лисоний норма маълум қоидалар мажмуаси сифатида тилнинг ҳамма кўринишларига ҳам хос эканлигини айтади. Ҳар қандай миллий тилнинг адабий нормаси ўз шаклланиш ва ривожланиш тарихига эга бу жиҳатдан у деалект ва оғзаки нутқ нормалари тарихидан фарқ қиласди. Адабий норма ва оғзаки нутқнинг фарқлари ҳақида янада кенгайтириб, Б.Гавранек қўйидаги тезисни олға сурди: бир томондан, адабий норма оғзаки тилдан ажralиб туришга ҳаракат қилид (чунки оғзаки тилда шевалар ҳам мавжуд), иккинчи томондан, эса бадиий тилнинг энг муҳфим хоссаси – ҳамма тушунадиган, соддалик, жўнлик хусусиятлари унинг оғзаки тил билан яқинлашишига туртки бўлади (яъни оғзаки нутқ нормаси адабий тил нормасига яқинлашуви маъносида). Бу қарама-қаршилик бадиий тилнинг ҳам, оғзаки тилнинг ҳам мунтазам ривожланиш, тараққиёт манбаидир. Б.Гавранек назариясининг тил нормаси ҳақида бошқа чет эл тилшунослари назарияларига нисбатан мукаммаллиги шу билан изоҳланадики, у тил нормасига хос бўлган қўйидаги энг зарур хусусиятларни англаб етади ва эътироф этади:

- норма тушунчаси кенг ҳодиса бўлиб, у нафақат бадий талга балки ҳудудий диалектларга ҳам хосдир;
- адабий норманинг ривожланиши миллий тилнинг ҳар учала компонентлари (адабий тил, оғзаки тил, диалектлар)нинг бир бирига боғликлиги билан ҳарактерланади;
- адабий норманинг ўзаро фарқ қиласидан ички белгилари ҳам тил сатҳларидан аниқ ифодаланган функционал-стилистик қатламларнинг мавжудлигига кўринади;
- норма учун барқарор ва айни пайтда ўзгарувчанлик ва ривожланувчанлик ҳарактерлидир.

Аммо Б.Гавранекназариясининг бир неча камчиликлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қўйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз:

- Б.Гавранек тан олишича, у нормани фақат тилнинг ўзига хос бўлган лисоний ҳодиса деб тушунади, айни пайтда у нормани тил нуқтаи назаридан эмас, балки нормага жамиятнинг унга алоқаси нуқтаи назридан текширади (масалан, миллий тилнинг адабий нормаси шаклланиш даврида жамиятнинг нормага онгли интилиши; мавжуд бўлган тил нормасига аниқ, бекаму кўст амал қилиш талабининг ўсиши каби тезисларни олға суради);
- унинг фикрича, ижтимоий деалектлар (жаргонлар) ўзларининг маҳсус нормаларига эга эмас, чунки улар умумхалқ тилидан фақат жаргонга хос луғавий хусусияти билан фарқ қиласи;
- Б.Гавранек лисоний нормани ташқил қиласидан қоидаларнинг ҳарактери, ўзига хос белгилари ҳақида хеч нарса демайди. У нормани тил тизими ва тузилиши билан боғлади. Чех тилшунослари томонидан норма тушунчасининг талқин қилиниши кейинги даврларда “узус” ва “адабий тил”, “норма” ва “кодификация” (қонунлаштириш) тушунчаларининг тўлароқ, батафсил, жиддий таърифланиши билан ҳарактерланади.

Тил нормаси ҳақида Б.Гавранек олдинга сурган назарий фикрлардаги баъзи камчиликлар ва изчилислар ҳақида ўз вақтида Л.Н.Дзекиревская ҳам мулоҳазалар билдирган эди.

Бу масалалар бўйича Б.Гавранек ҳам фикр юритиб, адабий тил нормаси билан ноадабий тил нормалар орасида фарқлар тил системаси ва норма, кодификация ва азус орасидаги муносабатлар билан боғлиқдир. Тилнинг ноадабий кўринишларида норма система ва узуснинг муносабатидангина иборат бўалди, - деган хulosага келди.

Прага лингвистик тўгараги намоёндаларининг норма назрияси ҳақида фикрларини қўйидагича тавсифлаш мумкин: узусдан тил нормаси даражасига кўтарилиш бир даврдаги нормадан иккинчи бир давр нормасига бир неча нормалар жараёнини босиб ўтиш орқали содир бўлади. Бу тахлилдаги таъриф имплицит равища норманинг система-тил структураси-узус билан боғлиқлигини кўрсатади, шунингдек, тилнинг нормативлиги ва унинг ижтимоий вазифаси ўртасида диалектик боғлиқлик борлигидан далолат беради. Яна

бир чех олимиди Йозеф Вахик тил ёзув шаклининг ижтимоий аҳамияти тўғрисида кузатишлар олиб бориб, ёзув тилининг лисоний нуқтаи назаридан ўрганиш зарурлигини таъкидлайди ва тил ёзув шаклининг ижтимоий ролини, унинг ижтимоий обрўсини юксак баҳолайди. “*Агар тил жамоаси ёзувини такомиллаштирмаган экан, демак, у ҳали ўз тилининг яширган имкониятларини тўлиқ даражада билмаслиги аниқ ҳақиқатдир*”, - дейди Й.Вахек. Чунки ёзув нормаси вазифаларини оғзаки норма бажара олмайди, оғзаки ёзув нормасига керакли бўлган воситалар йўқдир. Бу фикр билан Й.Вахек ёзув билан ёзув нормасини бир хил нарса деб тушунади. Бу албатта, мунозарали ва нуқсонлидир. Бу тадқиқотчининг нуқтаи назарича ўз ёзувига эга бўлган тилгина “нормал” тил ҳисобланиши керак. “*Ёзув нормаларига эга бўлмаган тиллар нормал нарса деб қаралмалиги керак, чунки ёзув лингвистик жараёнларнинг асосини ташкил қиласди. Ёзувсиз тил функционал жиҳатдан нонормал, етарли эмас: эртами ёки кечми, бундай тиллар ўз нормаларини ривожлантиришилари шарт, чунки юзлаб тиллар шундай қилдилар ва қилмоқдалар*”, - деб таъкидлайди Й.Вахек.

Шундай қилиб, прага лингвистик тўгараги аъзолари адабий тил ва унинг нормасининг функционал моҳияти ҳақида яхлит, бир бутун ғоя яратдилар. Кейинги ўн йилликларда собиқ Иттифоқ тилшунослигида тил нормаси ва унинг кодификацияси муаммоларини ечиш борасида жуда кўп жиҳатдан прага функционал – структурал тилшунослиги намоёндаларининг қайд этилган ғояларига аосландилар ва бу илмий мактабнинг асосий ғояларини рус тили ва барча миллий халқлар тилларига тадбиқ қилдилар ҳамда ўша ғоя атрофида илмий амалий кузатишлар олиб борилди.

Асримизнинг 50 йилларига келиб норма муаммоларини тадқиқ қилиш тил воситаларининг қўлланилишини муайян тартибга, нормага солиш асосида олиб борилди. Норма тушунчасига бу каби янгича ёндашиш машҳур тилшунос Э.Косериу таълимоти билан бевосита боғлиқдир. Э.Косериу нормани – ижтимоий нуқтаи назардан объектив, тартибга колинган ва танланган ҳодиса деб тушунса, кодификацияни – субъектив, фақат тил нуқтаи назардан тўғри бўлган ҳодиса, категориядир деб тушунади. Унинг фикрича, тил системаси ва структураси тилнинг ҳамма ҳодисаларни ўз ичига қамраб ололмайди. Ҳар бир тил ўз ифода томонида ҳам, маъно томонида ҳам ўзининг вариандорлик ҳусусиятларига эга.

Э.Косериунинг тилшунослик фани олдидағи хизматларидан бири шундаки, у тилдаги вариандорлик тушунча системанинг ҳусусиятидан келиб чиқкан ҳодиса эмас, балки норманинг ўз моҳиятидан келиб чиқкан ҳодиса эканлигини исботлайди ва нутқда мавжуд бўлган турли хил чекинишларни ҳам норма белгилайди, - деб ҳисоблайди. Э.Косериу ўтмишдошларидан фарқли ўлароқ, нормани тор ва кенг маънода талқин қиласди. Кенг маънодаги норма, унинг фикрича, бу “*тилнинг яшишини таъминлайдиган барча лисоний ҳусусиятлар йигиндисидир*”. Тор маънодаги норма эса бу “*функционал аҳамиятдан*

(қийматдан) маҳрум бўлган тил элементларидир. Норманинг тор маънодаги тушинилиши система тушунчасининг қарама-қаршисиdir. Системадаги қарама-қаршиликлар маълум моделлар орқали амалга оширилади, норма эса бу моделларни муайян равишда рўёбга чиқаради. Тор маънодаги норма лисоний моделларни амалда тадбиқ қилиш жараёнida конкретлаштирилиб ва тўлдириб борилади.

Э.Косериунинг диққатига сазовор бўлган хизматлардан яна бири шуки, у тил нормаси ва унинг кодификацияси ўртасидаги чегарани аниқлаб берди. Олим ўз илмий ишларида тил нормаси ва унинг кодификацияси ҳодисаларини чегаралаш юзасидан Прага лингвистик тўгараги намоёндалари олдинга сурган ғояларини янада тўлдирди ва мукаммаллаштириди. Лекин чех тилшуносларининг ғоялари билан Э.Косериу фикрлари ўртасида маълум фарқлар мавжуд.

Чех тилшунослари адабий тил нормаси тушунчасини кодификация тушунчасидан ажратиб ўтганлар. Шу билан бирликда, улар адабий тил нормасидаги анъанавий ва янги тил унсурларинигина ҳисобга олдилар, аксинча, тилнинг архаик, эски шакллари кодификациясини инкор қилдилар.

Э.Косериу ғоясининг Прага тилшунослик мактаби вакиллари фикрларидан фарқи шундаки, у асосий диққатни тилнинг системали ўзгаришларига қаратди ва ўзининг “система-норма-нутқ” схемаси билан бил нормаси ва унинг кодификацияси ҳақидаги ўз илмий фикрларини бошликларга нисбатан батафсилроқ баён қилди. Аммо Э.Косериу бу схемасида ҳам бир нечта камчиликлар бўлиб, бу камчиликларнинг ўрнини тўлдириш кейинчалик бошқа тилшунослар зиммасига тушди.

Тил ҳодисаларининг тўғри ёки нотўғрилиги (яъни, норматив) муаммоси кейинги пайтларда чет эл тилшунослигида, собиқ Иттифоқ тилшунослигида қизгин баҳслар, мунозалараларнинг мавзуи бўлди. Олимлар бу муаммога турлича ёндашдилар ва талқин қилдилар. Бу ҳол “тил нормаси” тушунчасининг жуда мураккаблиги билан изоҳланади. Чунки унда бир қанча ва баъзан бир-бирини инкор қиладиган белгилар мавжуд. Инглиз ва америкалик тилшунослар норманинг табиатини, хусусиятларини ўзларининг лингвистик ва социолингвистик ишларида ёритдилар.

Инглиз тилшунослигида тил нормасининг моҳиятини аниқлашда бир неча йўналишлар мавжуд. Биринчи гуруҳга кирувчи тилшунос, шу жумладан Э. Гауэрз, А.Маркуордт ва бошқалар нормани умумжамоа томонидан қўлланиладиган ва тил жамияти томонидан тўғри деб эълон қилинган тил шакл (форма)лари деб тушинилади. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг нормативлигидан далолат беради. Бу фикр биринси бўлиб инглиз тилшунослигида Р.Тренч томонидан айтилган эди. Жумладан, у шундай ёзади: “...тилнинг

тилиунос ҳоҳлаган элекментлари эмас, балки тилда ҳақиатан ҳам нима мавжуд ва ишлатилаётган бўлса ўша тўғридир”.

Иккинч гуруҳ тилшунослар, масалан, Г.Хартунг ва Р.Пуллилар нормани тамомила қарама-карши нуктаи назаридан талқин киладилар. Улар фикрича, маҳсус қўлланмалар нимани тавсия қилса, ана шу тўғри. Бу фикрга кўра норма грамматика мутахассислари, луғатшунолар ва маҳсус тавсияномаларни тузувчилар томонидан белгилаб борилган қонундир. Бу назария тарафдошлари норма тилнинг ўзида бўлмайди, балки у тилшунос-мутахассислар томонидан яратилади, белгилаб берилади, деб ҳисоблайдилар.

Норма масалаларига функционал жиҳатдан ёндашувчиларнинг фикрлари ҳам эътиборга лойиқдир. Масалан, Д.Крэпп нормани икки аспектда олиб қарайди, яъни у тилда “норматив” қўлланишлар ва “яхши” қўлланишларни форқлади. Олим маълум тил умумжамоаси томонидан қабул қилинган умумқўлланишларни норматив дуб тушунади. Тил жамоаси аъзоларининг фикрлари ва ҳиссиётларини аниқ ва тушунарли қилиб берадиган тилни “яхши” тил деб баҳолайди ва бу “яхши” тил норматив бўлиши шарт эмас деб билади. Унинг фикрича, “норматив” тил битта бўлади, “яхши” тил эса бир нечта бўлиши мумкин. “Яхши” тил ҳисобига у сўзлашув тилида қўлланиладиган содда тил сўз ва ибораларни, оғзаки тил ва адабий тилни киритади. У “яхши” тилни баҳолашнинг конкрет нутқ вазифасига функционал жиҳатдан мос келиши деб тушунади.

Д.Крэппнинг бу ғояси кейинчалик Р.Пули, Ч.Фриз, В.Г.Костомаров, А.А.Леонтьев, Б.Н.Головин ва Прага тилшунослик тўгараги аъзолари томонидан ривожлантириб, нормадаги “коммуникатив мақсадга мувофиқ” мезонининг яратилишига асос бўлди. Д.Крэппнинг фикрича, норманинг муназарали томонлари маълум тил умумжамоасининг тилдан фойдаланиши, тилнинг ишлатилиши устидан кузатишлар йўли билан ҳал қилинади. Шу билан бирга нормани белгилашда анъанавий ёзув манбаларига эмас, балки бевосита ҳозирги давр тил амалиёти устидан кузатишларга асосланиш керак, деб таъкидлайди Д.Крэпп. бошқача қилиб айтганда, норматив тил қўлланилишининг асосий майдони бу оғзаки нутқдир. Унинг фикрича, тилшуносларнинг вазифалари тилдаги асосий тенденцияларни ҳам, нормадан четга чиқишлиари ҳам, тил бирликларининг ўзгариб туришларини ҳам қайд қилишдан иборатdir.

Бу назария ривожланиб, Р.Пули, аввало, норматив адабий тилнинг кўп функционаллигини таъкидлайди. Бошқача қилиб айтганда, адабий тил умумий нормасининг мавжудлиги, ҳеч қачон бу норманинг варианлари мавжуд бўлишини инкор қилмайди. Бу ҳол эса тилда бир неча функционал услубларнинг мавжуд бўлиши билан боғлиқдир. Ўзининг вазифавий ранг-баранглиги туфайли адабий тил фикрларини содда, аниқ қилиб ифода этишга қодирдир. Р. Пулли тил нормасининг тадрижини (эволюциясини), норманинг

функционал жиҳатдан тўғрилигини амалда исбот қилиш жараёни деб қарайди. “Яхши” тил тилнинг ўзида содир бўлдиган ўзгаришлар билан бир пайтда ўзгариб, янгила б туради. Норма моҳиятининг бундай тушинилиши тилдаги турли ходисаларни баҳолашда катта роль ўйнайди.

Қайд қилинганларга қарамасдан, тил системасида норманинг ўрни ҳақидаги масала номаъкул бўлиб қолмоқда. Система ва норма тушунчасининг аниқ чегараланиши Э.Косериунинг ишларида баён этилган. Олимнинг фикрича, система ва норма узвий боғлиқдир. Система нормада амалга ошади, норма эса система доирасида тил воситаларнинг танланиши билан боғлиқдир. Э.Косериунинг бу фикрлари норма назариясининг ривожланиши учун катта ва янги туртки бўлди.

Шунга ўхшаш қарашларни В.Хартунг ҳам чиқади ва у нормани баҳолашнинг уч аспектини фарқлайди, яъни:

- 1) сўзловчининг ўз фикрини тўғри, аниқ ва дўнда қилиб ифодалай олиши;
- 2) тингловчининг у ёки бу даражада таъсирланиши;
- 3) маълум тилнинг структураси ва унинг анъаналари.

Масалага бу ҳолда ёндашилганда тил воситалари нафақат функционал планда, балки уларнинг тил системасида тутган ўрни нуқтаи назаридан ҳам таҳлил қилинди. Бунга кўра “сўзловчи-тингловчи”, “система-норма” каби тушунчаларни қарама-қарши қўйишлар юзага келади. Шуниси характерлики, тўғрилик-нотўғрилик меъзони сифатида жамиятнинг маълумотли доирасининг нуфузли манбаларида қайд қилинган тил амалиёти қабул қилинади.

Кам маълумотларнинг сўз қўллаши тилдаги саводходлик деб тушунилади. Масаланинг мураккаблиги шундаки, тилни энг яхши билувчилар ўратасида ҳам норматив сўз қўллаш масалалари ҳақида келишмовчиликлар бўлиши мумкин. Луғатлар тузиш тажрибаси ҳам шуни кўрсатадики, жуда кўп ҳолларда энг нуфузли мутахассислар ҳам қайси бир сўз бирилигини луғатга номал тил бирлиги сифатида киритиш мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисида бир битимга кела олмайдилар. Айтганларидан хulosha шуки, бундай ҳолда тилшунослар ўртасида тилда нима “тўғри”ю, нима “нотўғри” деган масала турмайди, балки норматив сўзларни танлашда ва баҳолашда ким хакамлик қиласи деган масала ўртага қўйилди. Аслида эса норматив тил варианtlарини танлашда хакам сифатида барibir тилшунослик туради. Тилшунослик ўзининг ўқимишлиги туфайли, тил билимдонлиги туфайли сўз қўлланишларга у ёки бу даражада объектив ёндашади. Инглиз тилшунослари ўз қарашлари пировардида мана шундай хulosaga келишади.

Шундай қилиб, америкалик ва инглиз тилшунослари илмий назарий қарашларининг қисқача таҳлили шуни кўрсатяптики, улар ўртасида ҳам норма тушунчасини аниқлашда

яхлит бор, узил-кесил фикр мавжуд эмас. Тил нормаси тушунчаси ва бу ҳодисанинг моҳияти ҳақида немис тилшунослари ҳам у ёки бу даражада ўз муносабатларини билдирган ва турлича фикрлар баён килинган. Асримизнинг бошларида Германияда тилшунослик соҳасидаги бир неча омиллар вужудга келди. Булардан:

- 1) адабий-тариҳий жараён назарияси тарафдорлари,
- 2) натуралистик оқим,
- 3) младограмматиклар,
- 4) рационалистлар оқими,
- 5) структуралистлар оқими “тил нормаси” назариясини ўз ғоялари асосида талқин қилдилар.

А.Норейн, Я.Гrimm, К.Гофман, А.Энгелин, К.Андрезенлар “тил нормаси” назариясини ўз ғоялари асосида талқин қилдилар.

А.Норейн, Я.Гrimm, К.Гофман, А.Энгелин, К.Андрезенлар “тил нормаси” бу адабий-тариҳий жараён маҳсулидир, - деб таъриф қилишади. Улар тилнинг мавжуд қонуниятларига асосланиб, нормани фонетик, грамматик, лексия қоидаларнинг йифиндиси деб қарайдилар. Мазкур олимнинг фикрича, тилларнинг муайян ривожланиши босқичлари тилда ўтмиш, ҳозирги ва келгуси тил элементлари борлигини тақозо қиласди.

Адабий-тариҳий жараён назарияси тарафдорлари тил ривожланишининг ўтмиш даврлари нормасини тўғри деб баҳолайдилар ва бу даврларни ҳар бир тилшунос қандай хоҳласа шундай баҳолаб ўрганди.

Немис тилшунослари тилдаги у ёки бу воситаларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигни фақат маълум тил тарихини ўрганиши асосида исботлаш мумкин деб уқтирилди.

Бу назариянинг бир неча афзалликларини таъкидлаш ўринлидир:

- энг муҳими бу назария нормага нисбатан қизиқиш уйғонганидан, тилни нормалашга онгли равища киришилганлигидан далолат беради;
- нормани онгли равища ишлаб чиқиша ва тилнинг сайқалланишида ёзувчиларнинг, грамматикларнинг роли тан олинади;

У ёки бу тил ҳодисасининг оғзаки тилдаги нормативлик хусусиятига эътибор берилади. Бу эса жуда муҳим ҳолдир, чунки оғзаки нутқ жараёнида шаклланган ва ёзув тилида қайд қилинган миллий тилнинг адабий нормаси, ўз навбатида, оғзаки тилга таъсир қиласди.

Мазкур назариянинг бир қанча камчиликлари ҳам мавжуд, масалан:

- бу назария у ёки бу ҳодисаларнинг нормативлигини бошқа бир тил ва деалектларнинг материалларини мисол қилиб олиб тасдиқлайдилар;
- нормативлик масаласини ҳал қилишда ўтган даврлар тилини бенуқсон (идеал) деб ҳисоблаб, ҳозирги замон тили нормасига таққослайдилар. Бу эса доимо тўғри бўлавермайди.

Чунки, агар ўтмиш давр тилига асосланадиган бўлса, у ҳолда қайси давр бенуқсон ҳисобланади, деган савол туғилади;

- нормани биргина фонетик қонуниятлар билан аниқлаш мумкин эмас, чунки қайси товушнинг хусусиятлари нормани аниқлашга ёрдам бериши мунозарали бўлади: ўтмиш даврдаги фонетик қонунларми, хозиргисими ёки энди муомалага кираётганларими?

Шуни айтиш керакки, агар тил узуси бўлмаганда эди, норманинг ўзин қайд қилиш мумкин бўлмаган бўлар эди. “*Норма тил узусининг кодификацияси сифатида вужудга келади*”, - деб ёзди тишлинос М.М.Гухман.

Нормага натуралистик нуқтаи назаридан ёндашувчи М.Мюллер, А.Шлейхер, К. Андресенлар ёзма нутқка қараганда оғзаки нутқ бирламчидир, деган фикрни билдирадилар, лекин уларнинг хатоси оғзаки тил қоидалари ёзуvida қайд қилинганми йўқми, қатъий назар нормативдир, деб ҳисоблашадилар. Тил ҳар доим ўзгариб туриш хусусиятига эга, бу ўзгаришлар эса тилнинг ривожланишидан, тараққиётидан далолат беради, бу фикрдан келиб чиқилса, тилда бир тушунчани ифодалаш учун бир неча шакллар мавжуд бўлиши қонунийлиги эътироф этилади ва бу тил формаларининг қайси бири кўп қўлланилса, ана шуниси норма деб тан олинади. Қайси тил элементи кўп ёки кам қўлланилганлиги ҳақида шубҳа туғилганда, нормативлик мезони стилистика йўли билан исбот қилинади. Тишлинос Г.Пауль ҳам нормативликнинг белгиси тил бирликларининг қўлланилиш микдори (частотаси)га боғлиқ деб ҳисобланади.

Натуралистлар қарашидаги нормага нисбатан ижобий томон шундаки, улар адабий норманинг оғзаки тол нормаси билан боғлиқ эканлигини айтадилар, аммо оғзаки тил нормаси хал қилувчи роль ўйнайди, деб ҳисоблайдилар. Бу фикр албатта, олдинга қўйилган қадамдир, чунки оғзаки тилнинг ёзув тили нормасига таъсири натуралистларгача хеч ким томонидан ҳисобга олинмаган эди.

Унинг қўйидагича фикрларини мунозарали деб ҳисоблаймиз:

- агар норма стилистик усул билан аниқланадиган бўлса, бир маънони берадиган икки тил элементлари сон жиҳатдан бир хил қўлланса, унинг қайси бирини тўғри, норматив дуб ҳисоблаш мумкин, тилда эса бундай ҳодисалар учраб туради;

- норманинг юундай тузилиши тилнинг нормалашуви учун қилинган онгли ҳаракатнинг борлигини маълум даражада инкор қиласди;

- бу нуқтаи назар норманинг ўзгариб туришини эътироф этса-да, эски форманинг янгиси билан алмасиб туриў сабабларини умуман ёритмайди.

Младиграмматиклар тил нормасига бошқачароқ ёндашадилар ва уларнинг назарияси рационал (мақсадга мувофиқ, мақбул, тўғри) деб номланади. Улар тилнинг коммуникатив вазифасини қайси бир тил формалари яхши, тўғри амалга оширса тилдаги ана шу ҳолат

нормативликдир, деган хulosага келадилар. Уларнинг тил нормаси ҳақида айтган умумий фикрларини қўйидагича умумлаштириш мумкин:

- алоқа (коммуникация) жараёнида қайси тил элементи нотўғри тушунилса, у ноўриндир;
- қайси тил элементи умуман тушунарли бўлмаса, у нотўғридир;
- қийинчилик билан тушунилган ҳар қандай тил бирликлари нотўғридир. Уларнинг фикрича, нутқ нафақат аниқ, шунингжек тезда тушиниладиган бўлиши керак;
- талаффузни қийинлаштирадиган сўз ва иборалар ёмондир;
- ёдга олиниши қийин бўлган тил элементлари ёмондир;
- маънога таъсир қилмасдан, қисқача ифодаланиши мумкин бўлган тил воситалари яхшидир;
- шаклан узун иборалар, сўзларни сўзларни ишлатиш анча ноўрин;
- ҳеч нарсанийфодаламайдиган тил элементлари кераксиздир;
- фикрларни аниқ ва тез ифодалаш учун хизмат қиласиган лисоний ўзгаришларининг умуман кераги йўқ.

Рационалистлар ўз назариясига вақат амалий жиҳатдан тавсиялар бериш билан чегаралангандир, лекин “норма” тушунчасининг моҳияти улар томонидан очилмаган, илмий назарий кузатишлар олиб борилмаган.

Юқорида таҳлил қилинган назариялардан ташқари баъзи бир немис тилшунослари норманинг ижобий томонларини эътироф этган ҳолда, унда баъзи салбий хусусиятлар ҳам мавжудлигини уқтирадилар. Масалан, X.Мозер тилнинг нормалашуви зарур эканлигини тан олгани ҳолда, норма жонли тилга зиён етказади, тилга бошқа тил бирликларининг фаол сингишини, кириб боришига тўсқинлик қиласи, деб ёzádi.

Тил нормаси муаммоларини ечишда чет эл тилшуносларининг эришган ютуқ ва камчиликлари ҳақида қўйидагича хulosалар қилиш мумкин:

1. Прага тилшунослик мактаби намоёндалари (Б.Гавранек, В.Матезиус, А.Едличка, В.Барнет, Й.Валек) тил нормаси ва кодификация тушунчаларини илмий чегаралаш борасида муҳим илмий назарий ғояни илгари сурдилар, шунингдек адабий тилнинг услубий тармоқланганлик назариясини функционал нуқтаи назардан ишлаб чиқдилар. Улар адабий нормада барқарорлик ва айни пайтда ривожланувчанлик (динамиклик) мезон ва белгилари мавжуд эканлигини тасдиқладилар, шунингдек, “узус”, “системаси”, “норма”, “кодификация” каби тушунчаларни илмий-лисоний муомалага олиб кирдилар ва бу тушунчаларни ривожлантиридилар. Уларнинг баъзилари (БГавранек, Й.Вахев) оғзаки ва ёзишма нутқ нормалари ҳақида қимматли фикрлар билдирилар. Аммо улар қўйидаги асосий камчиликларга йўл қўйдилар:

- а) уларнинг фақат адабий тил ўз нормаларига эга, ижтимоий жаргонлар, лаъжа ва шевалар эса маҳсус нормаларга эга эмас, деган фикрлари (Б.Гавранек) нотўғридир;
- б) улар нормани тил системаси ва структураси билан боғламай (бу тушунчаларни илмий муомалага киритган бўлсалар ҳам) ўргандилар;
- в) улар оғзаки нутқ нормасини кейинги планга ўтказиб, фақат ўз ёзувига эга бўлган тилгина “нормал” тил деб ҳисоблайдилар;
- г) улар ёзув билан ёзув нормасини бир ҳил ходиса (Й.Вахек) деб тушунадилар.

2. Тилшунос Э.Косериунинг “тил нормаси” тушунчаси ҳақидаги илмий-назарий қарашлари тилшунослик фани учун жуда катта аҳамиятга эга. Унинг асосий хизматлари қўйидагилар:

- а) олим “норма” тушунчасини кенг ва тор маънода изчил таърифлайди;
- б) “тил нормаси” ва “кодификация” тушунчаларининг ўртасидаги чегарани аниқлайди;
- в) тилда “вариантдорлик” тушунчаси системасининг оқибатидан эмас, балки норманинг ўз моҳиятидан келиб чиққанлигини исботлайди;
- г) унинг тилдаги қонунларидан турлича четга чиқишиларни ҳам норма белгилайди, деган фикри катта аҳамиятга эгадир.

3. Америкалик тадқиқотчилар, шунингдек, инглиз ва немис тилшунослари норманинг назарий маълумотларига унчалик даражада эътибор бермадилар ва тил нормасига функционал амалий жиҳатдан ёндашадилар. Улар норма тилнинг ўзида бўлмайди, балки тилшунос мутахассислар томонидан яратилади, белгилаб берилади деб ҳисоблайдилар. Бу фикр, албатта, нотўғридир. Шунингдек уларнинг, норматив тилнинг асосий манбаи оғзаки нутқидир деган хуносалари ҳам унчалик тўғри эмас. Немис тилшунослари (Г.Пауль) фикрича норманинг асосий белгиси тил элементларининг нутқда қўлланиш частотасидир.

Шу билан бирга тилшунослар назариясининг афзаллиги шундаки: а) тилни тормалашга онгли равишда ёндашиш кераклигини уқтирадилар; б) миллий тилнинг адабий нормаси оғзаки нутқда шаклланади ва ёзув тилида мустаҳкамланади ҳамда, ўз навбатида, оғзаки тилга таъсир қиласи, дейишади. Бу фикр тил нормаси назарияси учун маълум аҳамиятга эгадир; в) улар нормани: “сўзловчи-тингловчи”, “тўғри-нотўғри”, “нормал-анормал” каби парадигматик қарама-қарши қўйишлар ёрдамида талқин қилишга уриндилар.

Шундай қилиб, чех тилшунослари, американлик тадқиқотчилар, инглиз ва немис тилшунослари ҳамда Э.Косериунинг “тил нормаси” тушунчасини олмий назарий жиҳатдан таҳлил қилишлари, бу тушунчанинг жуда кўп белги ва мезонларини, ўзига хос хусусият ва хоссаларини аниқлашда бекиёс катта аҳамиятга эгадир. Аммо улар норма тушунчасини аниқлашда котегориал даражадаги мукаммал фикрга кела олмадилар.

3. Норма масалаларининг рус тилшунослигида ўрганилиши

Рус тилшунослиги тарихига назар ташланадиган бўлса, тил нормасининг илмий аниқланиши норматив грамматикалар, риторикага оид асарлар ва лугатлар яратишлардан бошланганлигини кузатамиз. Рус тилшунослигида норматив грамматиканинг яратилиши М.В.Ломоносов номи билан боғлиқдир. Унинг “Россия грамматикаси” ва “Риторика” каби ишларида рус тили норматив грамматикаси ва стилимтикасининг асослари яратилди. У биринчи китода ўша даврда Европа тилшунослигида хукмрон бўлган “умумий грамматика” тарафдорларининг ғояларидан ва принципларидан анча олдинга кетиб, ўз олдига барчага тушунарли бўлган рус тилининг оммабоп норматив грамматикасини яратишни мақсад қилиб қўйди. Унинг ўша давр рухига мос бўлган “норматив грамматикаси” “умумий грамматика” ғоялари билан курашишда катта роль ўйнайди, кейинчалик эса, М.В.Ломоносов тўплаган тил материаллари ва мазкур “грамматика” материаллари тарихий-қиёсий тилшунослик соҳаси бўйича кузатишлар олиб борган олимлар томонидан амалда фойдаланилди. М.В.Ломоносовнинг бу илмий ишлари “тил нормаси” назарияси учун рус тилшунослиги тарихида илк босқич, биринчи қадам бўлиб ҳисобланади. Бу ҳақда С.П.Обнорский шундай ёзади: “*тил нормаси ҳақида Ломоносов томонидан яратилган ғоянинг асосий негизи норма тушунчаси ривожланишининг кейинги тақдирини белгилайди ва хозирги тилимизнинг жонли асоси бўлиб хизмат қиласди*”.

Рус тилшунослигида инқилобдан олдин норма масалалари билан жуда кам шуғуландилар. Тил нормаси ҳақидаги фикрлар А.Х.Востоков, Я.К.Грот, А.А.Потебня ва бошқаларнинг илмий ишларида у ёки бу даражада ўз аксини топди, холос. Шуни таъкидлаш керакка, бу тилшунослар тил нормаси масалаларини ўзларининг махсус кузатишлари обьекти қилиб олмаган бўлсалар-да, норма ҳақидаги фикрларини тилшуносликнинг бошқа

соҳаларини кузатиш жараёнида йўлма-йўлакай айтишга муваффақ бўладилар. Рус тилшунослигига тил нормаси тушунчасини илмий жиҳатдан аниқлаш тарихан дастлабки амалий грамматикалар ва луғатлар тузишдан бошланиб, улар тил системасини ва унинг функционал стилларини баён қилиш билан чегараланганд. Бу ишлар амалий аҳамиятга эга бўлиб туришларни нормалаштириш масаласини хал қилишга бағишиланган. XIX аср охири ва XX аср бошларида Россияда кўплаб луғатлар чиқа бошлади. Бу луғатар ва норматик грамматикалар муаллифлари ўз олдиларига тилнинг нормативлигини баён қилиш, ўша даврлардаги тил жамоасига хос бўлган тил нормасини белгилаш ва тилнинг ижтимоий вазифасини кенгайтириш масалаларини қўйган эдилар.

Тил нормаси назариясига асrimiz бошларида муносиб хисса қўшган тилшунос В.И.Чернишевdir. У. “Правильность и чистота русской речи. Опыт русской стилистической грамматики” (1909, 1913) китобида тил нормаси ва нутқ маданияти ҳақида жуда кўп қўнимматли илмий фикрлар айтган. У тил нормасининг ўзгарувчанлигини тилдаги далилий мисоллар билан исботлади, нормада вариантдорлик категорияси мавжудлиги ғоясини яратди, у ёки бу тил бирималарини норматив ҳол дейиш учун жуда кўп манбаларга асосланиш кераклигини уқтириди. У нормадаги вариантдорлик ҳақида гапириб, тилда эски ва янги, асл ва ўзлашган, китобий (ёзма) ва оғзаки, умумхалқ ва диалектал формалар мавжудлигини ва улар ўзаро узвий боғлиқлигини асосли равишда исботлади.

В.И.Чернишев ўз ишлари билан рус адабий тили нормалашувининг амалий ва назарий ривожланишига, рус нутқи маданияти ҳақидаги маълумотнинг шаклланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

Шуни таъкидлаш керакки, аксинча, баъзи тилшунослар, жумладан, А.А.Шахматов, нормани тилшунослик доирасига кирмайдиган муаммо деб ҳисоблади. “Шаҳматов учун умуман тилни нормалаш ёт нарса эди”, деб ёзади Е.С.Истрена.

Инқилобдан кейинги даврда кўп тилшунослар, жумладан, А.М.Пешковский, С.П.Обнорский, Л.В.Шчерба, Г.О.Винокур, Л.П.Якубинский, Е.Д.Поливанов, В.В.Виноград, Е.С.Истрена ва бошқалар ўз дикқатини тил ва нутқ маданияти масалаларига эга тил нормасининг илмий-назарий муамалага қаратди. Унинг ишларида асоан тил нутқининг тўғрилиги, намунавийлиги масалалари, адабий тилнинг анъанавий нормаларидан четга чиқишлиари масаласи кўрилди. Аммо норма тушунчасини нг асл моҳиятини улар етарли равишда очиб бера олмадилар.

Масалан, А.М.Пешковский норма тушунчаси ҳақида фикр юритиб, тил бирликларининг тилда тилда қўлланиши чоғида, бир томондан уни холисона баён қилиш кераклигини, яъни қандай баҳо бермасдан, фақат оддий қонун-қоидаларга солиш лозимлигини, иккинчи томондан эса, тил бирликларини тартибга солиш, қонунлаштириш

кераклигини уқтиради. Шу билан у тилнинг илмий таърифланиши ва тилнинг норматив таърифланиши деган атамаларни илмий муомалага киритиб, бу икки таъриф ўз моҳияти жиҳатдан фарқланадиган тушунчалар бўлиб, уларни назарияда ҳам, амалиётда ҳам кескин фарқлаш лозим эканлигини таъкидлади.

Тилшунос С.П. Обнорскийнинг бир қатор ишлари рус адабий тили нормасининг шаклланиши ва ривожланиши масалаларига бағишлилангна. Олим тилдаги ҳар хил ўзгаришлар ҳақида, тилда вариант бирликларининг мавжудлиги, нормадаги қатъиятсизлик, иккиланишлар ҳақида фикр юритган.

Рус тилшунослигининг яна бир ёрқин намоёндаси Г.О.Винокур тил нормаси ва нутқ маданияти муаммоларини стилистика фани билан боғлаб ўрганди. У тил нормасини манбаларини аниқлиш учун шундай тил системасини топиш керакки, бу система ўз вазифаси жиҳатидан амалий, ҳалқ тилидан фарқ қилмайдиган, шу билан ўз системаси сифатида англашиладиган бўлиши кераклигини айтади. Бундай системага Г.О.Винокур кенг маънода адабий бўлмаган адабийлар, яъни газета журнал тили, илмий асарлар тили, идоравий расмий тил, реклама ва эълонлар тилини киритади ҳамда ана шу лисоний система асосида норманинг амалда қўлланиш имкониятларини мисол қилиб тасдиқлади.

Тилшунос Л.П.Якубинский оғзаки нутқда норманинг тез-тез ўзгариб туришини ҳисобга олган ҳолда, миллий тил нормасининг холисона (объектив) мезонларини матбуот тилидан ахтариш зарурлигини уқтиради.

Адабий тил ва унинг услублари табиати, оғзаки ва ёзма нутқ услубий фарқлари, тил нормасининг умумий методологияси ҳақидаги дастлабки фикрлар академик Л.В.Шчербанинг бир қатор илмий изланишлари ўз ифодасини топган. Л.В.Шчербанинг тил нормасига қўшган асосий хизматларидан бири, у биринчилардан бўлиб, нормада ўзига хос ўзгарувчанлик (динамиклик) мавжудлигини исбот қилди ва тил фактлари асосида ўз гоясини тасдиқлади. Бу ҳақда Л.В. Л.В.Шчерба шундай ёзди: “Умуман мен тилни ҳаракатдаги ҳолатда англаб олишгатиришидим: тилни тушунишининг аниқ нуқтасида мустаҳкам, турғун нормасини асосий ўринга суриши керак, кейин эса, бир томондан, ўлиб, йўқ бўлиб бораётган, иккинчи томондан, янгидан тугилаётган, пайдо бўлаётган нормани кўрсатиш зарур”.

Л.В.Шчерба адабий тилнинг намунавий норсаи, унинг манбалари ҳақида ҳам фикрлар юритган. Унинг фикрича, тил нормасини аниқлашда намунавий матнларга энг яхши, етук адибларнинг асарларига мурожаат қилиш лозимлигини таъкидлаб, шундай ёзди: “*Тилишунос у ёки бу тил нормасини белгилашида “тил дидини” юқори дараҷсада эгаллаган яхши ёзувчиларнинг асарларига мурожсаат қилиб жуда тўғри иш қиласилар.*”

Тил нормаси ва нормативлик мезонлари ва хусусиятларини социолистик асосида талқин қилиш Е.С.Истринанинг илмий ишларида ўз ифодасини топди. Унинг фикрича,

норма манбаларининг мўтабарлиги шароитида тил бирликларнинг қўлланилиш даражасига қараб белгиланади.

Рус адабий тили нормасининг шаклланиши ва ривожланишига таникли тилшунос С.И.Ожегов баракали хисса кўшди. У “Нутқ маданиятининг навбатдаги вазифалари” номли алоқасини норма тушунчаси таърифлайди, унинг динамик ҳарактерини атрофлича изоҳлади ва нутқ маданияти соҳасидаги бўлажак илмий-назарий ва амалий изланишларнинг вазифаларни белгилаб берди. Шунингдек, терминологияни тартибга солиш, нутқ маданияти бўйича амалий қўлланмалар, луғатлар, маълумотномалар яратиш борасида кўплаб ишлар қилди. У рус тили институтидаги “нутқ маданияти” бўлмининг асосчиси эди. С.И.Ожегов “Нутқ маданияти мисоллари” (1-8 чиқиши. М., 1955-1967) тўпламини ташкил қиласди. Бу тўпламларда нутқ маданияти ва тил нормасининг нафақат соф амалий масалари, шунингдек, умумназарий ва илмий томонлари ҳам атрофлича ёритилади.

50-йилларгача нутқ маданияти ва тил нормаси муаммоларига бағишлиган илмий ишлар асосан нутқ маданиятининг назариясини ва унинг “тўғрилиги” ва “нормативлиги” жиҳатларини ишлаб билан чегараланган. Кейинчалик эса, С.И.Ожегов, Ф.П.Филин, Б.Н.Головин, В.Г.Костомаров, Л.И. Скворцовларнинг ишларида то ўша давргача тўпланган амалий тажрибалар умумлаштирилади, тил нормаси ва нутқ маданиятининг долзарб назарий муаммолари кун тартибига қўйилди ва бу муаммоларни енгишда қулай ва нуфусли йўлларини топишга ҳаракат қилинди.

70-80 йилларга келиб, бир қанча илмий назарий ҳарактерга эга бўлган қўлланмалар, рисолалар, илмий мақолалар юзага келди. Бу илмий ишларда адабий норманинг тузилиши, моҳияти, унинг янги даврда ривожланиш тенденциялари лисоний вариантдорлик муаммосини таҳлили, адабий нормадан четга чиқишлиарнинг сабаблари ва унинг кўринишлари, норманинг кодификацияси ва шунга ўхашаш бир қатор масалалар таҳлил қилинди ҳамда у ёки бу даражада хал этилди.

Кейинги йилларда тарғибот ва ташвиқотларга мўлжалланган бир неча рисола ва китоблар, нотиқлик санъати тарихи ва назарияси масалалари кўтарилиган ишлар, нутқ одоби муаммолари баён қилинган бир неча китоблар юзага келди.

Кейинги пайтларада тил нормаси муаммоларини, жумладан, адабий тил нормасини турли хил нутқати назардан туриб кузатмоқдалар ва лисоний таҳлил қилмоқдалар. Тил нормасининг мана шу тарзда ўрганилишини қўйидаги йўналишларга ажратиш мумкин:

1. Нормани тилнинг систем систруктур имкониятларининг ўрганилиши билан боғлиқ ҳолда (В.Ф.Ицкович, Ф.П.Филин, Н.Н.Семенок, Л.П.Крисин ва бошқалар) таҳлил қилиш;

2. Норманинг адабий тил вазифасининг кенгайиши ва унинг функционал ранг-баранглигини ўсиши билан боғлиқ ҳолда (К.А.Долинин, Э.Г.Ризель, К.С.Горбачевич ва бошқалар) ўрганиш;
3. Нормани адабий тилнинг баъзи социологик жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда (М.М.Гухман, Н.Н.Семенюк, А.А.Леонтьев, А.А.Касаткин ва бошқалар) кузатиш;
4. Нормани нутқ маданияти масалалари билан боғлиқ ҳолда (В.В.Виноградов, Л.В.Шчерба, Б.Н.Головин, Г.О.Винокур, В.Г.Костомаров, Л.И. Скворцов ва бошқалар) ўрганиш;
5. Нормани тилнинг руҳий (психологик) ва алоқавий (коммуникатив) жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда (В.Г.Костомаров, А.А.Леонтьев, Б.Н.Головин ва бошқалар) таҳлил қилиш ва бошқалар.

Бундан ташқари ҳозирда тил нормасининг жуда кўп аҳолида ва муайян жиҳатлари билан ҳам шуғулланилмоқда. Масалан, К.С.Горбачевич лекисик норма масаласини ва ундаги вариантдорлик мезонини, В.А.Ицкович норманинг синтактик жиҳатини, Л.К.Граудина умумграммматик ва вариантдорлик томонини, Р.Р.Каспранкий фоно-стилистик хусусиятини, Е.Е.Анисимова норманинг стилистик ҳоссасини, Л.П.Ступин лексикографияда норма масалаларини ўз илмий ишларининг асоси қилиб олдилар. Проф.Л.И.Скворцевнинг диққат марказида эса, норманинг динамик характеристи турди ва у масалани тўлақонли назария билан бойитди.

Рус тилшунослигидаги нормани тадқиқ этишга бағишлиланган ишларга хос хусусиятлар яна шундан иборатки, норма масалалари, нафақат рус тили материали асосида, балки чет тиллар шунингдек бир қатор қўшни миллий тилларнинг асосида ҳам кузатилган. Масалан, Л.П.Ступин, А.С.Линский, Ю.М.Скребнев, В.В.Постникова инглиз тили, М.М.Гухман, Н.Н.Семенюк, Э.Г.Ризель, Р.Р.Каспранский немис тили, Н.А. Катагошчина, В.Г.Гак, К.А.Долинин француз тили, Г.А.Степанов, Н.Д.Арутюнова испан тили, А.А.Касаткин, С.Б.Эспулина итальян тили, А.П.Коваль, Г.П.Ижакевич, М.М.Пилинский украин тили, И.Я.Лепешев, И.К.Германович белорус тили, Н.Г.Норлэтяну, Б.В.Ваксман молдован тили, Э.Ю.Нурм, Х.Рятсеп эстон тили, А.Я.Блинкина, К.Гаусенblas латин тили ва бошқа қардош тиллар материалида тил нормаси ва нутқ маданияти муаммолари ҳамда илмий кузатишлар олиб боришган ва боришмоқдалар.

Чет эл тилшунослари, шунингдек рус тилшунослигига лионий норма бўйича олиб борган тадқиқотлар, улардаги илмий хуносалар туркий халқлар тилларидағи, жумладан ўзбек тилидаги асосий норма хусусиятларини ўрганишга назарий тарбия бўлиб хизмат қиласди. Бу хол 1960 йиллардан кейинги даврда туркий тилшуносликда юзага келган адабий норма, нутқ маданияти, услугиятига оид тадқиқотларда ёрқин кўринади.

4. Туркий-тилшуносликда лисоний норма муаммоларининг ўрганилиши

Маълумки, у ёки бу халқнинг адабий тили, ижтимоий-тарахий ҳодиса сифатида бир хил, бир текис ва бир даражада ривожланмайди. Ички ва ташқи омиллар туфайли тиллар лекиск таркибида, товуш тизимида, грамматик тузилишида бир қанча ўзгаришлар кузатилади, бу эса адабий тиллар ривожланиш тарихининг маълум даврларини ташкил қиласди. Ҳозирги даврга келиб халқларнинг тиллари кенг тармоқли илмий, ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиётга эга бўлган адабий тиллари тарихи, уларнинг адабий нормалари ва функционал стилистикасининг ривожланиши ҳақида бир қатор илмий назариц ва амалий ишлар юзага келди. Туркийшуносликнинг ҳозирги ҳолати туркий халқларнинг адабий тилларига боғлиқ бўлган ҳамма масалаларига ҳолисона баҳо беришни тақозо қиласди.

Туркий тиллар адабий нормаси ва нутқ маданиятига илмий баҳо бериш жуда қийн масала. Унинг бир неча сабаблари бор:

Биринчидан, ҳозирги давр туркий тиллари бир текисда ривожланмади ва ривожланмаяпти, бу эса: а) инқилобгача бу тиллар қай даражада ривожланиб келганлиги билан, б) ҳозирги шароитда бу тиллар бажарилиши керак бўлган ижтимоий вазифаларнинг ҳажми билан, в) ҳар бир тилнинг лаҳжавий асосини, фонетик, луғавий ва грамматик нормаларининг қай даражада барқарорлашуви билан боғлиқдир.

Иккинчидан, туркий адабий тилларнинг шаклланиш жараёнида маҳсус атамалар яратишида, бошқа тиллардан сўз ўзлаштиришида, ҳар бир тилнинг ўз ички имкониятларидан фойдаланиш борасида турлича йўл тутдилар ва бу масалага илмий жиҳатдан турлича ёндашдилар.

Учинчидан, ҳар бир туркий адабий тил ўзига хос шеваларига, шунингдек шаклланиш ва ривожланиш хусусиятига эга.

Тўртинчидан, ҳар бир туркий тилнинг орфографик, орфоэпик, лексик, фразеологик, стилистик, грамматик ва бошқа хил нормалари илмий-амалий жиҳатдан ҳар хил даражада ишланган.

Бешинчидан, бу тилларда турли хилдаги орфографик, терминологик, икки тиллик, изохли луғатларнинг чоп этилиш сони, ҳажми ва даражаси бир хил, норматив грамматикалар, нутқ маданияти соҳаси бўйича амалий-назарий қўлланмалар ва уларда кўтарилиган масалалар баъзи бир тилларда анча кенг кўламда, батавсил баён қилинган, базиларида эса, ҳатто баъзи тилларда умуман бу масалаларга эътибор берилмаган.

Ҳар бир адабий тил товуш таркибининг нормалашув даражаси, унинг алифбоси, орфографик ва орфоэпик нормаларнинг амалий жиҳатдан пухта ишланганлигига боғлиқ. Бу ерда шуни эслатиб ўтиш керакки, инқилобдан сўнг то 30-йилларгача туркий тилларнинг аксарияти араб алифбосидан фойдаланиб келдилар. Кейинчалик бу алифбо ҳар бир туркий

тилнинг талаффз ва ёзув нормаларига биноан ислоҳ қилинди. Ислоҳ қилинган араб алифбоси ҳам тилни эгаллашда бир қанча қийинчиликлар туғдирди. Шу сабабли 1930-1940 йиллар мобайнида кўпчилик туркий тиллар лотин алифбосига ўтишга мажбур бўлдилар. Ва ниҳоят 1940 йилдан бошлаб бу тиллар рус графикасидан фойдаланиб келишди.

Табиийки, туркий тиллар алифбосининг бундай тез-тез ўзгариб туриши, уларнинг имло ва талаффуз нормаларининг ҳам ўзгариб туришига сабаб бўлди. Ҳозирги ўзбек ёзувининг лотин ёзуви асосидаги янги алифбога ўтказилиши мустақиллик даврининг эҳтиёж ва талаблари тақозосидир. Бундай ўзгаришлар туркий тиллар ўзларининг нормалашган адабий тилларига эга бўлгунга қадар жуда мураккаб йўлни босиб ўтганлигидан далолат беради.

Хар бир адабий тилнинг нормалашувида, албатта имло луғатларининг роли каттадир. Рус гарфикаси негизига кирил ёзувидан фойдаланиш бошлангандан сўнг бир қанча туркий тилларнинг, масалан, қозоқ, озорбайжон, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, чуваш, ёкут, тута, қўмиқ тилларининг имло луғатлари чоп этилди. Туркий адабий тиллар имлосининг тарихий такомиллашуви, такомилланиши ҳақида, имловий хатоларни тузатиш йўллари, ундаги баъзи қийин ҳолатлар, киши номлари ёзилиши, кўшма сўз, қисқартма сўзлар, ўзлашма сўзлар имлоси ҳақида жуда қўплаб илмий-назарий ва амалий фикрлар айтилади. Бу фикрлар эса умуман туркий адабий тиллари, хусусан имзо нормаларининг шаклланиши ва ривожланишида, шубхасиз, жуда катта аҳамият касб этди.

Шуни таъкидлаш керакки, кўпчилик тарихий тилларда ҳозиргача адабий талаффуз нормалари қатъий қонун – қоидага солингани йўқ. Баъзи тилларда талаффузнинг шева элементлари сақланиб қолмоқда, баъзиларида эса талаффуз қоидалари тўла жорий қилинмаган. Шунга қарамасдан олимлар талаффуз номлари назарияси ва амалиётига бағишлинган бир неча илмий ишлар яратдилар.

Кейинги даврларда тилшунослиқда тил нормасининг умумназарий ва алоҳида жиҳатларини ўрганиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Шундай долзарб масалалардан бири лекиск норма масаласидир. Уни ўрганиш чоғида тилшунослар лексик норманинг шаклланиш жараёнига, миллий адабий тилнинг ilk ривожланиш даврларига, сўз қўллаш нормаларига эътибор бермоқдалар.

Аммо шуни афсус билан таъкидлаш керакки, тилшунослиқда лексик норманинг умумназарий масалалари, унинг оғзаки ва ёзма нутқдаги табиати, функционал-услубий тизимдаги роли, сўзларнинг вариатндорлиги масалалари, лекиск нормаларнинг мезонлари ва асосий белгилари унинг лексикографияда тутган ўрни ҳақида илмий-назарий ва амалий тадқиқотлар ниҳоятда кам.

Махсус атамалар нормаларига ҳам жуда кам эътибор берилмоқда. Терминологик тизимни нормалаш назарий муаммолари, бу соҳада қилиниши лозим бўлган илий принциплар ишлаб чиқилган эмас.

Туркий тиллар тилшунослигида грамматик норма масалаларига нисбатан дуруст ёндашилганлигини кузатамиз. Бу ишларда келишик котегориясининг нормалашуви, кўмакчилар нормалашуви жараёни, матбуот тилининг морфологик нормалари, шунингдек, адабий тил грамматик қурилишининг нормалашуви масалалари ёритилган. Аммо ҳанузгача жуда кўп туркий тилларнинг грамматик нормалари жуда кам ўрганилган ва кам ишланган ҳодиса ҳисобланади.

Кузатишлар шуни кўрсатяптики, тил нормасининг алоҳида жиҳатлари туркий тилшуносликда нутқ маданияти масалари билан боғлиқ ҳолда ўрганилмоқда. Шу давргача яратилган ишларда сўз қўлланиш нормалари ва улардаги четга чиқишлиар, орфографик, талаффуз, грамматик нормаларнинг нутқ маданиятига алоқадорлиги масалалари ва бу нормаларга жузъий нуқсонлар ва хатолар, уларни бартараф қилиш йўллари, сўз қўллаш санъати, нутқ одоби ҳақидаги фикрлар юртилган, шунингдек намунавий юксак нутқ маданиятига эришишда етук адибларнинг роли кўрсатилган.

Шуни мамнуният билан қайд қилиш керакки, кейинги ўн йилларда тилшуносликда тил нормасининг назарий муаммоларини хал этишга қаратилган бир неча илмий мақолалар, рисолалар, ўқув қўлланмалари, яратилди, ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Ана шу ишларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамиз.

Бир гурӯҳ тилшуносларнинг қозоқ адабий тили нормалари ҳақида ёзган мақоласида қозоқ адабий тили ва унинг нормаларининг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида, қозоқ нутқи маданиятининг такомиллашувида буюк адиблар Ибрај Олтисарин, Абай Қўнанбоев, С.Сайфулин, М.Авезов, С.Муқонов, Г.Мусреповларнинг роли ҳақида илмий-назарий фикрлар баён қилинган. Шунингдек, қозоқ адабий тили грамматикаси, лексикаси, имло ва талаффузнинг нормалашуви тўғрисида ҳам гап боради ва бу фикрлар жонли тилдан олинган далилий мисоллар билан мустаҳкаманган пировардида, муаллифлар тил нормаларининг шаклланиши қозоқ тили ижтмоий базаси ва ижтимоий вазифаларнинг кенгайиши, қозоқ халқи умумий маданиятининг ўсиши, хар хил жанр ва услубда ёзилган китобларнинг кўплаб нашр қилиниши билан боғлиқлигини эътироф этадилар.

Қозоқ адабий тили ва унинг нормалари масалалари М.Б.Балақаевнинг китобида батафсил ва чуқур ёритилган. Унда қозоқ адабий тилининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари ва унинг нормаларининг ҳар хил типлари кўрсатилган.

Тил нормаси ва вариандорлик ҳодисаси ўртасидаги муштараклик ва мутаносиблик масалаларинг қозоқ тили материалидаги илмий-назарий таҳлилини А.Г.Абуханованингмисолида кузатамиз.

М.Б.Бегларов норма тушунчаси ҳақида озарбайжон тили материалида бир қанча фикрлар билдириди. У, жумладан, норма ва унинг кодификацияси, норманинг асосий белгилари ва мезонлари, хақчиллиги тўғрисида ёзади.

Озарбайжон матбуот тилининг грамматик нормаларини А.Ф.Мириев ўз номзодлик диссертациясида батафсил ёритлган. Бу монографик ишда муаллиф тишлиносликда норма тушунчаси ва адабий тил нормаси, норма ва кодификация, норма ва вариандорлик, адабий тилнинг умумайи нормалари ва функционал услубий нормалари, адабий тил нормаси ва вариантларни аниқлашдаги асосий принциплар ҳақида назарий фикрлар юритиб, тил нормасига ўз муносабатини билдиради.

Шунингдек, бу диссертацияда матбуот тилида морфологик нормалар масаласи ва вақтли матбуот тили услубининг синтактик хусусиятлари нутқ маданияти ва нормативлик нуқтаи назаридан кузатилади. Иш сўнгидаги бир қанча илмий назарий холосалар қилинган ва амалий тавсия лар берилган.

Озарбайжон тили материали асосий адабий норма ва умумхалқ оғзаки тили, хозирги замон проза тилида норма ва вариандорлик, норма ва ундаги қарама-қаршиликлар, озарбайжон нутқи маданиятининг асосий масалалари каби муаммолар озарбайжон тишлинослари томонидан тадқиқ қилинди.

Туркман тили адабий нормалари ва нутқ маданиятининг назарий масалалари П.А.Азимов, Т.Тачмурадов ва Ж.Тажмурадоваларнинг илмий ишларида ўз аксини топди. Бу соҳада, айниқса Т.Тачмурадовнинг хизматлари диққатга сазовордир. У туркман адабий тили нормасини комплекс равишда кузатди ва ўз илмий ишларида турман тилининг янги даврдаги орфографик, орфоэпик, лексик, грамматик нормаларини илмий таҳлил қилди. Бу ишларнинг маҳсули сифатида унинг докторлик диссертацияси юзага келди. Бундан ташқари, туркман нутқи маданияти масалалари илмий тўпламининг бир неча нашрларида туркман адабий тили нормалари тизимининг хар тарафлама тадқиқ қилинишини кўрамиз.

Чуваш тили нормасининг назарий масалалари Н.П.Петров томонидан тадқиқ қилинди. Унинг бир қатор илмий мақолалари, ўқув қўлланмаси, рисола ва докторлик диссертациясида совет даврида чуваш адабий тилининг ривожланиши ва нормалашуви ва кодификация тушунчаларини атрофлича илмий мунозара тарзда таҳлил қилди, инқилобдан сўнги чуваш адабий тили ва унинг нормасининг ривожланиш жараёнини кузатди, луғавий норма кодификациясини чуваш тилига тадбиқ қилиб чиқди.

Татар адабий тили нормасининг тарихий шаклланиши ва ривожланиши масалалари В.Х.Хақовнинг ишларида ўз аксини топган. А.А.Йўлдошев эса ўз ишларини бошкирд миллий тилининг ягона нормаси шаклланиши масалаларига бағишлигандан.

Ҷёқит тили нормалашувининг баъзи масалалари Л.Н.Харитонов, Е.И.Убрайтова, Н.Д.Дъячковский, Н.Е.Петров ва П.А.Слепцовлар илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Биз юқорида туркий тилшуносликда кейинги йилларда юзага келган ва лисоний норма муаммоларига бағишлигандан ишларга тўхталдик. Бу ишлар эса бу ерда таҳлил қилиш имконияти бўлмаган бошқа бир қатор ишларда лисоний норма муаммосининг кўпгина дозарб масалалари бой материаллар асосида ўрганилган. Мана шу ишлардаги норма назарияси, нутқ маданияти, ва услубиятга оид янги ва диққитга молик фикрларни чуқур ўрганиш ҳамда улардан ўз бек адабий тили нормалари тизимини таҳлил қилишда, бу соҳанинг амалий масалаларини ечишда унумли фойдаланиш ўзбек тилшунослари олдида турган муҳим вазифадир.

5. Лисоний норма муаммоларининг ўзбек тилшунослигига ўрганилиши

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигига нутқ маданияти ва тил нормаси масалалари, нутқ маданияти соҳасининг предмети, мақсад ва вазифалари, мезон ва белгилари илмий-назарий анжуманларда мухокама қилинмоқда, тегишли илмий тўпламлар, рисола ва мақолаларда атрофлича ёритилмоқда. Шу холда эътироф этиш керакки, ҳозирги замон ўзбек адабий тили ривожланган грамматик шакллар ва ғоят бой луғат таркиби ва характерланади.

Нутқ маданияти масалалари ўзбек адабий тилининг лисоний нормаси билан узвий боғлиқдир. Ҳар қандай адабий тилнинг стихияли ривожи жараёнига жамият аъзоларининг онгли равишда аралашуви маҳсули эканлигини тилшунослик тадқиқотлари кўрсатиб берди.

Ўзбек адабий тилининг нормалашини жараёни ҳам ва ўзбек нутқи маданиятининг савияси ҳам ўзбек тили ривожининг янги даврдаги бир хил кечмади. Яна шуни қайд қилиш керакки, ўзбек адабий тили ва унинг норматив воситаларини норматив воситаларини ўзлаштириш даражаси аҳолининг ҳамма қатламларида ҳам бир хил даражада эмас, лекин адабий тилнинг ўзбек лаҳжа ва шеваларига таъсири сезиларли даражада бўлди, шу боисдан ҳам умумхалқ тилидан шевачилик хусусияти камайиб бормоқда. Бу эса ўзбек адабий тили бутун ўзбек халқининг мулки эканлигидан далолат беради.

Маълумки, нутқ маданияти масалалари адабий тилнинг лексик, фразеологик, семантик, стилистик, имло, талаффуз ва бошқа нормалари билан узвий боғлиқдир. Бу нормаларнинг шаклланиши ва назарий – амалий жиҳатдан тадқиқ қилиниши тилшунос олимларнинг олдидаги долзарб муаммо ҳисобланади.

Ўзбек тилшунослари томонидан яратилган дарсликлар, ўкув қўлланмалари, ҳар хил типдаги филологик луғатларнинг тузилиши, ўзбек тили фонетикаси, луғат таркиби ва грамматик қурилиши каби масалаларнинг изчил тадқиқ қилиниши анча кенг тарқалган тил фактларини норма сифатида тавсия қилиш имконини беради. Айниқса ўзбек нутқи маданияти ва адабий тили нормаларининг долзарб назарий-амалий масалаларини, жумладан, ўзбек алифбоси, имлоси, талаффузи, лугавий, услубий, фразеологик, грамматик нормаларини тадқиқ қилиш борасида ЎР ФА Тилшунослик институти 1966 йилдан бошлаб нутқ маданияти соҳасига эътибор берила бошлагани муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбек тилшунослари 1960 йиллардан кийнги даврда ўзбек алфавити, имлоси, пунктуацияси, ўзбек адабий талаффузи нормаларига бағишлиланган бир қатор ишларни эълон қилишди. Булар орасида имло ва талаффуз луғатлари ҳам бор.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, “Тил нормаси” ва “Нутқ маданияти” сарлавҳаси тагида ёзилган бир қатор ишларда тилшуносликнинг бошқа соҳалари ўрганадиган масалалар ёритмоқда. Натижада тил нормаси ва нутқ маданиятининг аниқ масалалари, жумладан, норманинг обьекти, мезон ва белгилари, шартлари ва категориялари, лисоний ва нолисоний томонлари, нормадан четга чиқишиларнинг ҳар хил сабаблари, унинг типлари масалалари эса эътибордан четда қолиб кетмоқда.

Нормадан четга чиқишиларнинг сабаблари ва типларини аниқлаш тилшунослар олдидағи муҳим вазифа ҳисобланади. Бу ўринда F.A.Абдурахмоновнинг мана бу мулоҳазаси диққатга сазовордир: “*Тилишунослар олдида турган муҳим вазифа нормадан ташқари, хото деб тушунадиган тил фактларини коллекция қилиши эмас, балки уларни системалаштириши, сабабини аниқлаши, тилда қўлланилаётган, аммо нормалаштирилмаган ҳодисаларни адабий тил нормаларига зид бўлган аномал ҳодисалардан фарқлаб боришидан иборат*”.

Мана шу маънода ўзбек нутқи аданияти ва ўзбек тили нормаси ҳақида профессор С.Иброҳимов эълон қилган бир қатор тадқиқотлар диққатга сазовордир. У қайд қилинган мавзуларда учта рисола яратди. Бу китобларда ўзбек нутқи маданияти ва ўзбек адабий тили нормаларининг назарий ва амалий муаммолари ҳақида, адабий тил имлоси ва талаффузининг прогрессив томонлари ва мавжуд нуқсонлари тўғрисида, нутқ маданияти ва тил нормаси тушунчасига оид муаммолар, тил ва унинг қадр-қиймати, тил ва тафаккур муносабати, тилнинг ижтимоий моҳияти тўғрисида қизиқарли илмий фикрлар юритади. С.Иброҳимов мазкур рисолаларда адабий тилнинг лексик, морфологик, услубий ва талаффуз нормалари каби долзарб масалаларни баҳс, муҳокама доирасига олиб киради, муҳим илмий-назарий фикрлар билдирилади.

Ўзбек адабий тили нормаси ва нутқ маданиятининг умуназарий масалалари С.Иброҳимов, Э.Бегматов, Р.Кўнғировларнинг мақолаларида, лексик норма масалалари

Ш.Шоабдураҳмонов, А.Ғуломов, О.Усмонов масалаларида, услугий норма Ф.Абдураҳмонов, И.Кўчқортөев, Б.Ўринбоев, М.Мукаррамов, Р.Кўнғуров, И.Тошалиев, Б.Умуркуловларнинг кузатишларида, нутқ маданиятида луғатларнинг ўрни ва роли С.Акобиров, Т.Алиқулов, Э.Фозиловлар ишларида, тиниш белгиларининг ишлатилиш нормалари Х.Ғозиев, К.Назаровалар ишларида, алифбо, имло ва талаффуз номлари С.Иброҳимов, А.Хожиев, Ш.Рахматуллаев, Э.Бегметов, А.Маматовнинг мақолаларида таҳлил қилинди.

Бир қатор ишларда норманинг социолингвистик муаммолари (Қ.Хоназаров), норма ва вариантдорлик масаласи (А.Бобоева, М.Асомиддинова, А.Мадвалиев), адабий норма ва илеоназм мавзуси (Р.Кўнғуров, Н.Маҳкамов), адабий норма ва паронимлар масаласи (И.Тошалиев, Э.Дадаҳўжаев) ва бошқа муаммолар ёритилган.

Ўзбек адабий тили ва нормаларининг такомиллашувида адибларнинг роли ҳақида бир неча мақола ва рисолалар эълон қилинган, жумладан, Навоийнинг (А.Рустамов, Б.Бафоев, Х.Дониёров, С.Муталибов, Б.Умурзоқов), Бобурнинг (Х.Назарова) Муниснинг (А.Матғозиев), Фурқат ва Муқимийнинг (А.Ахмедова, Х.Бердиёров), Хамзанинг (Ф.Камол, Х.Дониёров, Э.Бегматов, Б.Турдиалиев), Абдулла Қодирийнинг (Ф.Насриддинов), Ойбекнинг (Қ.Самадов), Х.Олимжоннинг (Х.Дониёров, Қ.Самадов), Абдулла Қаҳхорнинг (И.Кўчқортөев, Т.Тошев, Р.Кўчқортөев) роли ҳақида фикрлар юритган.

Мамлакатимиз олимлари нутқ маданияти ва тил нормаси муаммолари нотиқлик санъати (С.Иброҳимов, Р.Кўнғуров, Э.Бегматов, С.Иномхўжаев, М.Туробова), тарғиботчилаар ва ташвиқотчилаар нутқи (Б.Ўринбоев, Л.Хўжаева, Б.Умуркулов), нутқ одоби (Ш.Рахматуллаев, Э.Бегматов, С.Ризаев, М.Содикова), тил эстетикаси (Х.Рустамов, С.Мелиев) жиҳатдан ҳам тадқиқ қилинмоқдалар.

Э.Бегматовнинг “Нтиқнинг нодир бойлиги” (Тошкент, 1980, 37 бет) рисоласида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борувчи мутахассислар учун тил бойликларидан мақсадга мувофиқ даражада фойдаланиш ҳақида, адабий тил ва унинг нормалари ҳақида аниқ маълумотлар берилган. Маълумки, одатда, адабий тилнинг қай даражада нормалашганлигини адабий норманинг ҳолати белгилайди. Лекин шуни назарда тутиш керакки, адабий норма ва тил нормаси тушунчалари бир хил маънога эмас. Агар адабий норма фақат адабий тилга тааллуқли бўлиб ва унинг доирасида белгиланса, норма тушунчаси эса анча кенг маънони билдириб, тилнинг ҳамма соҳалари ва сатҳларига тегишилдир. Шу боисдан ҳам рисола тилнинг адабий тилдан бошқа яшаш шаклларининг ўзига хос луғавий ва услугий, грамматик нормаларининг мавжудлиги қайд қилинади. Муаллиф норма тушунчасини кенг маънода шарҳлаб, диалект шеваларни адабий тилдан, шунингдек, тилларни тиллардан фарқлаб белги бу норма тушунчаси эканлигини ўзбек ва татар тилларидан келтирилган мисоллар кўрсата олган. Рисола назарий жиҳатдан ҳам мухим

аҳамиятга молик бўлиб, ўзбек тилшунослигига адабий норманинг 7 та типини алоҳида кўрсатган ва улар учун хос бўлган хусусиятлар ҳам қайд қилинган.

Ўзбек тилшунослигининг ҳозирги босқичида тил нормасининг назарий масалаларини кузатиш ва тадқиқ қилиш энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан коллектив муаллифининг “Адабий норма ва нутқ маданияти” (Тошкент, 1983) китоби жуда катта аҳамиятга эга. Китобда лисоний нормага оид назарий қисм Э.Бегматов томонидан ёзилган бўлиб, унда тил нормаси тушунчаси, умумнорма тушунчаси, умумнорма ва хусусий норма, адабий норма ва унинг хусусиятлари, белгилари, меъзонлари ҳозирги давр тилшунослиги ютуқларига асосланиб, чуқур таҳлил қилинган ва умумлаштирилган, Китобнинг шу қимида адабий тил нормасини ҳарактерловчи қўйидаги энг муҳим белги ва меъонлар аниқланган ва системага солинган: адабий тил нормаси реал ва объектив қонунлаштирилган (кодификацияланган), танланган ва баҳоланган, барқарор, турғун, консерватив, ривожланувчи (динамик), анъанавий изчил, типик, умумтарқалган, яъни коллектив равишда қўлланиладиган, вариантили, қатъий регламентация қилинган, услубий тармоқланган, ёзувда мустаҳкамланган, стандарт, намунали ва мўътабар, умумхалқ ва ҳақчил, қўпчилик томонидан онгли ўзлаштирилган, англанган ҳамда тан олинган, функционал зарур, маданий-эстетик жиҳатдан баҳоланган, диалект ва шеваларда устун турувчи нормадир. Адабий тил нормасининг юқорида қайд этилган балги ва меъонлари ўзбек адабий тили материаллари асосида таҳлил қилинган. Ана шу бобда, муаллиф ўзбек адабий тили нормасининг типларини умумий тарзда: 1) ёзма адабий нутқ нормаси, 2) оғзаки адабий нутқ нормасини ажратади ва бу нормалар тизимидағи лексик-семантик, талаффуз, акцентологик, фонетик, грамматик (морфологик ва синтактик), сўз ясалиш, орфографик, график, пунктуацион, стилистик нормаларини қисқача тавсифлайди.

Китобнинг “Норма ва услуб” бўлимида услубий нормалар тил нормалари билан бир қаторда турмаслик, балки услубий норма тил нормаларининг функционал, яъни нутқий жараёндаги яшаш нормалари эканлигини, бу ҳоллар хар бир конкрет норма учун алоҳида алоҳида тааллуқли эканлиги таъкидланган. Китобнинг кейинги бобларида адабий норма конкрет қўринишлари ўзбек тили материаллари асосида тадқиқ қилинган.

1988 йилда Э.Бегматов, А.Бобоева, М.Асомиддинова, Б.Умурқуловлар “Ўзбек нутқи маданияти очерклари” китоби нашрдан чиқди. Бу иш ушбу маулифларнинг “Адабий норма ва нутқ маданияти” тадқиқотларининг бқвосита мантиқий давомида бўлиб, китобда нутқ маданияти соҳасининг мақсад ва вазифалари, нутқ маданияти тушунчасининг моҳияти, унинг пайдо бўлиш тарихи, илмий тадқиқ этиш жиҳатлари, бошқа лисоний соҳалар (лексика, стилистика, фразеологик, грамматика ва бошқалар) билан муносабати, улардаги ўхшашлик, алоқадорлик ва фарқли томонлар, нутқ маданияти соҳасининг ўрганиш обьекти, мазмуни,

мезон ва ўлчовлари, шартлари ва категориялари, унинг лисоний ва нолисоний томонлари ҳақида атрофлича фикр юритилган.

Нутқ маданияти соҳасининг назарий муаммоларига оид ушбу таҳлиллар Э.Бегматовнинг қаламига мансубдир. Нутқ маданияти соҳасининг “*асосий текшириши объекти адабий тил нормасидир, унинг шаклланиши, ривожланиши, стабиллашув қонуниятларидир*”, - деб ёзади Э.Бегматов. шунингдек, шу асосда нутқ маданияти адабий норма ва ундаги норматив воситаларининг истиқболлигини ҳам аниқлаш лозимлиги уқтирилади.

Китобдан ўзбек нутқи маданияти соҳаси олдида турган долзарб назарий ва амалий муаммолар қўйидагича тасниф қилинган: 1) нутқ маданиятининг умуназарий профблемалари; 2) ёзма нутқ маданияти проблемалари; 3) оғзаки нутқ маданияти проблемалари; 4) нутқ маданиятининг илмий-амалий проблемалари.

Э.Бегматов томонидан айтилган бу масалаларнинг зарурлиги ва долзарблиги шубхасиздир ва хозирги замон тилшунослик фанининг кун тартибидаги ўз ечимини кутаётган асосий вазифалардандир. Дарҳақиқат, ўзбек тилшунослигига юқорида келтирилган муаммолар ҳанузгача илмий жиҳатдан атрофлича ўрганилган ва тадқиқ қилинган эмас.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигига бир қатор илмий ишлар юзага келди, бунда ўзбек адабий тили нормасининг алоҳида масалалари тадқиқ қилинган. Жумладан, А.Мадвалиевнинг “Ўзбек химия терминологияси ва унинг нормалашуви масалалари” (Тошкент, 1986) номли номзодлик диссертациясида ўзбек тиликимё атамаларининг ҳолати танқидий баҳоланган ва нормалаш бўйича илмий тавсиялар берилган.

Р.Қўнғиров, С.Каримов, Т.Қурбоновларнинг уч қисмдан иборат “Нутқ маданияти асослари” (лекциялар тести) қўлланмасида ҳам ўзбек адабий тил нормаси ва нутқ маданияти масалаларига назарий ва амалий жиҳатдан ёндашилганлигини кузатамиз. Ушбу ишнинг биринчи қисмида нутқ маданияти курси, унинг мақсад ва вазифалари, хозирги ўзбек адабий тили ва нутқ маданияти, адабий тилнинг нормативлиги масалалари ҳақида фикр юритилган, иккинчи қисмида, хозирги замон ўзбек адабий тилининг стилистик ва нутқ маданияти, нутқнинг асосий хусусиятлари каби мавзулар ёритилган бўлса, учинчи қисмда тилнинг тасвирий воситалари ва нутқ маданияти, оммавий лекциялар, маърузаларда нутқ маданияти каби масалалар ўз таҳлилини топган.

1970-1990 йиллар давомида Самарқанд Давлат университети олимлари томонидан услугият ва нутқ маданияти масалаларига бағишлиланган бир туркум илмий тўпламлар тайёрланди ва нашр этилди. Бу тўпламларда ўзбек адабий тили нормасининг баъзи

томонлари, нутқий услублар ва нутқ маданияти муаммоларига боғлиқ ҳолда талқин этилган мақолалар мавжуд.

1990 ва 1993 йилларда Термиз давлат университетида ўзбек нутқи маданиятининг долзарб муаммоларига бағишиланган илмий конференциялар бўлиб ўтди. Ушбу анжуманларнинг материаллари “Ўзбек нутқи маданиятининг долзарб масалалари” ва “Нутқ маданияти масалалари” номи билан нашр этилди. Бу ишларда ҳам ўзбек тили, адабий тил билан шеваларнинг ўзаро муносабати, адабий нормадан чекинишларни ифода этувчи нутқий нуқсонларни бартарф қилиш йўллари ҳқида эътиборга лойик фикрлар мавжуд.

Ўзбек тилининг адабий талаффуз нормалари деярли тадқиқ қилинмаган соҳалардан бири бўлиб, унинг ҳалқ шева ва лаҳжалар билан боғлиқ муаммолари Ш.Шоабдурахмонов томонидан, орфоэпик қоида ва нормалар қисман Фахри Камолов, С.Иброҳимов, Ў.Усмонова, Э.Бегматовлар томонидан ўрганилгани маълум.

Орфоэпик қоидалар бўйича О.Усмонов, С.Отамирзаева, И.Иномхўжаев, Л.Хўжаева ва бошқалар ёзган баъзи мақолалар ҳам мавжуд. 1970 йиллардан бошлаб, ўзбек адабий талаффузини амалий жиҳатдан нормалаш ишигаҳам киришади. М.Содикова, Ў.Усмоноваларнинг “Ўзбек тилининг орфоэпик лугати” (Тошкент 1977) ва колектив муаллифларнинг “Ўзбек адабий талаффузи лугати” (Тошкент: Фан, 1984) китоблари мана шунинг натижаси бўлди. шунга қарамасдан, ўзбек адабий талаффузи ва унинг нормалари бу соҳаси нормалашнинг имкониятларига доир масалалар ҳали қониқарли равишда ўрганилгани йўқ. Ўзбек адабий талаффузининг нутқий-лисоний асослари, ўзбекча маданий, туғри деб ҳисобланувчи нуқтнинг намунавий кўринишлари, адабий талаффузни нормалашнинг имкониятлари каби кўпинча назарий муаммолар ўз ечимини кутиб турибди.

Маълумки, ўзбек тилшунослирининг кўпгина кучи ва ғайрати 1920 йилдан то ҳозирга қадар ўзбек алифбоси, имлоси, имло қоидаларини нормалашга сарфланди. Бу ўзбек тилшунослиги тарихида бутун бир давр бўлиб, бу соҳада сўзсиз ютуқлар билан бирга кўпгина мунозарали ўринлар, чалкашлик ва хатоликлар ҳам мавжуд. Мана шу илмий ҳамда амалий аҳамиятга молик тажрибани ўрганиш уларничуқур таҳлил қилган ҳолда илмий умумлаштириш ўзбек график ҳамда имловий нормаларини янада такомиллаштириш учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу маънода Х.А.Жамолхонов томонидан олиб борилаётган изланишлар диққатга молиқдир.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигига нутқ маданияти соҳасига қизиқишининг кучайиши адабий тил ва адабий норма муаммолари юзасидан узлуксиз ва изчил фикр юритишга олиб келди. Нутқ маданияти соҳасидаги оид ўкув дастурларида “адабий тилнинг нормативлиги”, “адабий тил нормативлигининг типлари ва нутқий хатоликлар”, “ўзбек

адабий тили-ўзбек нутқи маданиятининг асоси”, “нутқ маданияти ва адабий норма” ҳақида тушунча берилган.

Юқорида тилга олинган дастурда “адабий нормаларни ва норматив қоидаларни эгаллаш – нутқ маданиятига эришишнинг муҳим омили”, -деган жумлалар мавжуд. Ўзбек услугияти ва нутқ маданияти юзасидан амалий машғулотлар ўзгаришни кўзда тутувчи дастурларни ҳам адабий нормани эгаллашга хизмат қилувчи машғулотларга асосий ўрин берилганини кўрамиз.

Ўзбек тилшунослигида 1965 йиллардан бошлаб нутқ маданияти соҳасига алоҳида эътибор берила бошлагани, шу муносабат билан Ўзбекистон Фанлар Академияси собиқ Тил ва адабиёт институтида маҳсус “Нутқ маданияти” бўлими очилганини эслатиб ўтган эдик. Шу пайтдан бошлаб ўзбек тилшуносларининг нутқ маданияти соҳасига, бу муаммога оид назарий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилишга эътибор ҳам кучайди. Бунинг натижасида нутқ маданияти муаммосига оид, жумладан услугуб ва лисоний нормага тегишли адабиётларнинг библиографик кўрсаткичларини тузишга олиб келди. Бу борада Самарқанд тилшуносларининг хизмати диққатга сазовордир. Тил ва нутқ маданияти моҳиятан лисоний норма билан боғлиқлиги, норма маданий – адабий нутқининг асосий омили эканлиги ойдинлаша борган сари нутқ маданиятининг бу библиографик кўрсаткичларида тил нормасига муносиб ўрин ажратилгани, ҳаттоқи кўрсаткичларда адабиётлар таснифи нормага боғлангани ҳолда – имло ва норма, талаффуз ва норма, интонация ва норма, ургу ва норма, пунктуация ва норма, ўзлашмалар ва норма, диалектология ва норма ёки лексик норма, стилистик норма, фразеологик норма тарзида тасниф қилинишини кўрамиз.

Нутқ маданияти ва услубиятига оид ўкув режаларининг тузилиши ўз навбатида, қонуний равишда бу соҳаларнинг ўкув қўлланмалари ва дарслкларини яратишга олиб келди.

1983 йилда нашр қилинган “Ўзбек тили стилистикаси” китобида бадиий тил нормалари ва унинг асосий хусусиятлари ҳақида маълумот берилган. Унда қайд қилинишича “*Тил нормаси катта ижтимоий аҳамиятга эга. У тилда доимо содир бўлиб турадиган ўзгаришларга бардош бериб, уни бузилишлардан сақлайди, авлодлар ўртасидаги алокани, турли даврлардаги маданий нутқий анъаналар изчиллигини таъминлайди*”. Ишда адабий нормага хос барқарорлик, ривожланувчанлик, вариантдорлик каби хусусиятлар ҳақида қисқача маълумот берилган. Мазкур қўлланмада биринчи бор лисоний нормага хос баъзи мураккаб томонлар тилга олинган: “*Нормада тил ички тараққиёт қонунларининг акс этиши ҳам жуда мураккаб масалалардан биридир. Бу масалани хал этишида тилишунос олимлар турлича нуқтаи назар ва қарашлари баён қилиши билан бирга бир қанча муаммо ва саволларни ўртага ташлайди. Чунончи, норманинг табиати, моҳияти объективми? Норма*

тилнинг ижтимоий характери билан боғлиқ бўлмаган, унинг ички хусусиятларини акс эттирувчи одам, таомилми, ёки нутқ практикасининг “диди”, таъби” асосида белгиланадиган қонун-қоидами? Нега нормани “бузувчи” бирфакт кейинчалик тил нормасига айланади-ю, бошқалари эса узоқ муддат яшаб келишига қарамай, хато саналиб, адабий тил нормаси сифатида қабул қилинмайди? Бундай ҳолда тилнинг ички, объектив хусусияти намоён бўладими ёки ҳамма гап тунқий дид, маданий анъанадами, тил фактининг нормага айланшига сабабчи бўлган шахснинг эътиборли ва машҳурлигидами?” тилга олинган саволларга ўзбек тилшунослигига кейинчалик ёзилган ишларда жавоб топишга ҳаракат қилинди.

1985 йилда Э.Қиличевнинг “Ўзбек тилининг практик стилистикаси” китоби босмадан чиқди. Унда ўзбек тили услубиятининг асосий масалалари, услубий нормаларини эгаллашнинг йўллари ёритилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида 1966 йилда ташкил қилинган “Нутқ маданияти” бўлими ходимларининг ўзбек нутқи маданиятига оид сермашаққат изланишлари ўзбек тилшунослигига нутқ маданиятининг алоҳида илмий соҳа сифатида шаклланишига замин бўлди. Шуниси диққатга сазоворки, нутқ маданияти бўлими илмий ходимлари ўз назарий тадқиқотларида нутқ маданиятига эришишнинг асосий йўли адабий тил нормаси билан боғлиқлигини назарий жиҳатдан асослашга уриндилар. Шу сабабли уларнинг 1983 йилда нашр қилинган “Адабий норма ва нутқ маданияти” китобидаги адабий тил ва адабий нормага оид назарий таҳлиллар ва илмий нуқтаи назарлар “Ўзбек нутқи маданияти очерклари” деб номланган бошқа бир тадқиқотда нутқ маданияти соҳасининг долзарб муаммолари билан боғланган ҳолда янада чукурроқ таҳлил қилинди. Ушбу ишнинг “Нутқ маданияти соҳаси” қисми Э.Бегматов томонидан ёзилган бўлиб, у нутқ маданияти тушунчаси ва соҳасининг моҳияти, мақсад ва вазифалари ҳақида кенг фикр юритган. У “нутқ маданияти назариясидаги марказий тушунча нормадир” дейилган таълимотга қўшилади ва адабий нормани нутқ маданияти нуқтаи назардан ўрганишнинг муҳим ва мураккаб муаммоларини кенг таҳлил қилди.

Нутқ маданияти ва адабий нормага оид изланишлар назарий йўналишлардан аста-секин илмий-амалий йўналишларга, конкретликка яқинлашиб борди. Буни Э.Бегматов, М.Турсунпўлатовларнинг “Ўзбек нутқи маданияти асослари” (1991), Т.Қудратовнинг “Нутқ маданияти асослари” (1993) китоларининг бунёдга келишидан билиш мумкин.

Э.Бегматов, М.Турсунпўлатов нутқи маданияти, унинг асосий мезон ва котегориялари, нутқ маданиятига эришиш йўллари ҳақида фикр юритишар экан адабий норма, унинг моҳияти, адабий норманинг асосий типларини таҳлил қилишга кенг ўрин ажратишади ва нутқ маданияти соҳасининг асосий назарий обьекти нормадир, адабий нормадир, деган

хуносани изчил равишида таъкидлашади: “нұтқ мәданияти соҳасининг асосий текширии обьекти адабий тил нормасидир, бу норманинг шаклланиши, барқарорлашуви қонунларини тадқиқ қилишидир”, “Норма нұтқ мәданияти назариясида, унга тааллуқли масалалар ўртасида марказий ўрин тутган асосий түшүнчадир”, “Норма нұтқ мәданияти назариясида, унга тааллуқли масалалар ўртасида марказий ўрин тутган асосий түшүнчадир. Айни вақтда у тишлиуносликнинг эң мураккаб муаммолардан биридир”.

Ушбу иш муаллифнинг уқтиришларича, нұтқ мәданияти соҳасининг лисоний нормага ёндашуви анъанавий нұқтаи назарлардан фарқланади ва алоҳида мақсадларни кўзда тутади. Муаллифлар мана шу фарқнинг 4 томонини таъкидлаб ўтишган.

Т.Кудратов тил нормасига нұтқ мәданияти нұқтаи назаридан янада конкретроқ ёндашади ва тил нормасининг кўринишлари, адабий тил нормасининг муҳим белгиларига тўхталади ҳамда “Нұтқ мәданияти назариясида тил нормаси марказий түшүнчадир” – деб ёзди. Бунинг исботи учун у Л.И.Скворновнинг образли қилиб айтган қўйидаги фикрларни келтиради: “Ижтимоий-маданий ҳаётда тил нормалари бир машъалдирки, нұтқ фаолиятининг қирғоқсиз океанида тил коллективи унга қараб интилади, таянади.”

Тил нормасининг нұтқ мәданияти ва услубларга боғлиқлиги, унинг лисоний асоси ва мезонини ташкил этиш ҳақида юқорида таҳлил қилинган ишларда Э.Бегматов томонидан олдинга сурилган фикрлар “Нұтқ мәданияти ва услубият асослари” китобида янада конкрет таҳлил қилинди. Китобнинг “Ўзбек адабий тили – нұтқ мәданиятининг асоси” қисмида тил нормаси, унинг кўринишлари, хусусиятлари, жумладан адабий норманинг моҳияти, аҳамияти, у таянувчи мезонлар ҳақида кенг маълумот берилган.

Тил нормаси ва адабий норма назарияси соҳасида ўзбек тишлиунослигига олиб борилган ишлар, қонуний ревишида ўзбек адабий тили нормалари конкрет олиб ўрганиш лозимлигини кўрсатди. Натижада муаммога оид конкрет тадқиқотлар юзага кела бошлади, А.Э.Маматов, А.Абдусаидовларнинг ишларини мана шундай изланишлар жумласига киритиш мумкин. 1991 йилда А.Э.Маматовнинг “Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари” номли монографияси эълон қилинди. Бу ишда ўзбек адабий тилининг луғавий ва фразеологик нормалари назарий планда ўрганилган. Шу сабабли монографияда диалектизмлар окказионализмлар, плеоназм, паронимлар, байналминал сўзлар ва лексик такрорларнинг адабий нормага муносабати асосий таҳлил обьекти бўлиши билан бир қаторда ишнинг биринчи бобида тил нормасининг назарий муаммоларини ўрганиш марказий ўрин тутган. Ушбу муносабат билан китобда тил нормаси түшүнчаси, лисоний нормалар системаси ва адабий норма ҳодисасининг моҳияти, адабий норманинг типлари ва улар таянувчи асосий хусусиятлар, лисоний ва нолисоний мезонлар, талаблар ҳақида кенг

фикр юритилган ҳамда адабий нормадан четга чиқишилар, нормани бузувчи ҳолатлар, бунинг сабаблари изоҳланган.

Ўзбек тилшунослигига тил нормасига оид назарий ишлар таъсирида алоҳида олинган услугга хос норматив хусусиятларни ўрганишга ҳаракат қилиш А.Абдусаидовнинг ўзбек газеталари тилига бағишлиланган изланишларида ёрқин кўринади. Унинг “Газета тили ва адабий норма” мавзууда 1988 йилда ҳимоя қилинган номзодлик диссертацияси “Адабий норма ва нутқ маданияти” тадқиқотларидаги нормага оид назарий хуносаларга таяниб иш кўргани ёрқин сезилади. Буни А.Абдусаидовнинг “Газета тили ва адабий норма” номли рисоласи ҳам тасдиқлайди.

Маълумки, ўзбек алиябоси, имлоси муаммолари, унинг амалий масалалари ўзбек тилшунослиги тарихида доимо етакчи ўрин эгаллаб келди. Ўзбек алифбоси, имлоси, пунктуациясини нормалаш ишига тилшунослар катта меҳнат сарфлашди ва кўпсонли мақолалар, рисолалар, қўлланмалар, маълумотномалар, эълон қилинди. Шунга қарамасан, 1956 йили қабул қилинган “Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари” юзасидан мунозаралар узлуксиз давом этиб келди. Дарҳақиқат бу қоидалар ўз даври имкониятлари доирасида яратилган бўлиб, ундаги бир қатор қоидалар ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан етарли асосланмаган ёки эскирган эди. Шу сабали бу қоидаларни, шунингдек ўзбек алифбосидаги нуқсонларни бартараф этиш таклиф ва мунозаралар ҳам узлуксиз давом этаверди. Аммо бу истакларни рўёбга чиқариш социолистик мафкура шароитида амалга ошмай қолаверди. Чунки рус графикаси асосидаги ўзбек алифбосига ва унга мосланган имло қоидаларига ўзгартиришлар киритиш, уни такомиллаштиришга интилиш у вақтлар рус тилига қарши ҳаракат деб тушунилар эди.

1980-йиллар арафасидаги “қайта қураш” деб юритилган сиёsat туфайли қайд қилинган “темир қонун” бир оз юмшагандек бўлди. Бу шароитдан ўзбек зиёлилари унумли фойдаланишга ҳаракатни бошлаб юборишиди. Мана шу даврда ўзбек матбуоти саҳифаларида ўзбек алифбоси, имлоси, ўзбек тилининг луғавий бойлиги, ўзбек илмий терминологиясининг, луғатчилигининг аҳволи, рус тилидан ўзлашган сўзларга муносабат, умуман ўзбек тилининг ижтимоий аҳволига доир бир қатор мақоллар эълон қилинди, радио ва телевидения эшиттиришлар олиб борилди. Уларда кўтарилиган муаммоларнинг барчаси тўлиғича ўзбек адабий тили ва унинг нормаларига, ўзбек тилининг софлиги масалаларига қаратилган эди.

Ўзбек тили имловий ва пунктуация нормаларини такомиллаштиришдан амал қилинган илмий асослар ва тамойиллар шунингдек, “Асосий қоидалар”ни муҳокама қилиш жараёнидаги таклифларга муносабат лойиха муаллифлари томонидан янада

такомиллаштирилди ва “Ўзбек орфографияси ва пунктуациясининг асосий қоидалари” лойиҳаси 1988 йил 30 январь куни матбуотда эълон қилинди.

Имлони такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган ишлар мана шу босқичда вактинча тўхтаб қолди.

Ўзбек ёзуви лотин графикаси негизидаги алифбога кўчирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил декабрь ойидаги қарорига биноан “Ўзбек орфографиясининг янги қоидаларини ишлаб чиқишини амалга оширувчи ишчи гуру” тузилди ва унга лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига имло қоидаларини яратиш топширилди. Ишчи гуруҳи таркиби А.Хожиев (гурух раиси), Э.Бегматов (раис мувовини), Ш.Шоабдураҳмонов, Ш.Раҳматуллаев, Н.Махмудов, К.Назаров, Й.Абдуллаев, С.Отамирзаев ва С.Ҳакимовлар кирди.

Ишчи гуруҳ 82 моддадан иборат “Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари”ни тузиши. Ушбу “Асосий қоидалар” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1995 йил 24 август, 339-сон қарори билан тасдиқланди ва матбуотда 1995 йил 6 сентябрда эълон қилинди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тасдиқланган қоидалар негизини 1981, 1988 йиллар тузиб такомиллаштирилган лойиҳалар ташкил қилади.

Янги имло қоидаларининг қабул қилиниши жорий ўзбек имло қоидаларидаги камчилик ва нуқсонларни қанчалик бартараф эта олгани, унинг ўзбек тили имловий нормалари такомилига қай дарадажа таъсир эта олишини келажак тажрибалари кўрсатади. Аммо янги имло қоидалари хам мутлақ эмаслиги аниқ.

Ўзбек тили, унинг ижтимоий аҳволи, вазифавий ҳолати юзасидан 1980 йиллар даврида бошланган оммавий муҳокама ва мунозаралар ўзбек тили ва ўзбек ҳалқи муданияти ҳаётида мислсиз тарихий воқеа – “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида” Қонун қабул қилиниши (1989 йил 21 октябрь) билан яқунланди.

Қонун ўзбек тилининг ижтимоий-вазифавий мақомини белгилади ва “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили” эканини, бу тил “Республиканинг бутун ҳудудида давлат тили сифатида амал қилинишини қонунлаштириди. Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг қабул қилиниши ўзбек тилининг қонуний мавқеи ва ҳуқуқларини тиклади, ўзбек адабий тили нормаларини янада такомиллаштириш учун янги истиқболлар очиб берди. Бу нималар кўринади:

1. Ўзбек адабий тилининг қўллаш доираси, вазифавий имкониятлари ниҳоятда кенгайди, бу эса тилни авваллари барча соҳаларда ниҳоятда кенгайди, бу эса тилни авваллари барча соҳаларда тўлиқ қўллашга имкон бермай кенгаш тўсиқларга барҳам берилди.

2. Ўзбек тилини ўрганиш, ўқитиши имкониятлари янада кенгайди. Бу борада рус тилининг аввалги тазиқи тарҳам топди.

3. Ўзбек тилининг вазифавий услубилари доираси янада кенгайли, мавжуд услубларнинг янада ривожтопиши учун қалай шароитлар яратилди. Бу ўзбек тилининг илм-фан тили (илмий услуб), расмий-идоравий тил (иш юритиши, молия, харбий таълим, дипломатия соҳалари), оммавий йигинлар, анжуманлар, мажлис ва қурултойлар тили сифатида кенг қўллана бошлаганида кўринади.

4. Ўзбек тилининг луғавий тизимини янада бойитиши илмий терминологияни номланиш, уни янада такомиллаштириш, бу ишни илмий асослашга қўйиш учун имкониятлар туғилди. 1989 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси тузилди. Бу тадбир ўзбек илмий технологиясини мураккаб ишни ҳам илмий, ҳам ташкилий жиҳатдан йўлга қўйиш учун имкониятлар яратди. Атамакўм томонидан тайёрланган ва нашр қилинган тиббий атамалар (1992), тилшунослик атамалари (1993), иш юритиши атамалари (1994) ва бошқа соҳаларнинг мўъжаз русча-ўзбекча луғатлари, шунингдек терминларни нормалашнинг илмий асосларини белгилаб берувчи қўлланмалар мана шу имкониятнинг натижаси бўлди.

5. Ўзбек алифбоси ва имлосига миллий руҳ бағишлиш, уларни ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини, имловий нормаларини тўғрироқ ифодалашга ҳозирланди. Бу ўзбек ёзувини лотин графикаси негизидаги янги ўзбек алифбосига ўтказилганида, шунингдек “Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари”нинг яратилганлигида равshan намоён бўлди. Мана шу тадбирлар туфайли ўзбек тилшуносларининг тилимиз алифбоси ва имловий нормаларини янада такомиллаштиришга ва силлиқлашга оид деярли ярим асрдан ортиқ орзулари маълум даражада амалга ошиди.

6. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, бу тилни янада ривож топтириш борасидаги мастиқил давлат кўрсатаётган ҳамхўрлик тилимизнинг баъзи ҳозирга қадар эски тузумининг мафкуравий тазиқи чеклаб келинган соҳасига эътибор беришга йўл очди. Буни кейинги пайтда жой номлари (топонимия)ни тартибга солиш, уларни имловий ва вазифавий жиҳатдан нормалашга қаратилган ишларда кўриш мумкин. Маълумки, жойларни номлаш, улар номини ўзгартиришнинг ижтимоий, лисоний жиҳатлари деярли ўрганилмаган, маълум нормаларга келтирилмаган соҳадир. Мустақиллик шароитида бунга алоҳади эътибор берила бошлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг бу масалага оид бир неча қарорлари, айниқса 1996 йил 31 майда қабул қилинган қарори, Ўзбекистон Республикасининг Конуни, Ўзбекистон Республикаси топонимик объектларга ном бериш масалалари мувофиқлаштирувчи республика комиссиясининг тузилиши ва бошқалар бунинг ёркин гувоҳидир.

Хозирда жой номларини лисоний, маданий-маърифий бойлик сифатида муҳофаза қилиш, унинг имловий нормаларини яратиш, имловий луғатларини тузиш ишига жиддий эътибор берилмоқда.

Ўзюекистоннинг мустақилликка эришиши ва истиқбол йўлига дадил қадам ташлаши ўзбек тилининг график ва имловий нормаларини янада такомиллаштиришга имконият яратди. Ўзбек алифбосини такомиллаштиришда икки йўл мавжуд эди: биринчи, кирил ёзувига асосланган жорий ўзбек алифбосини ислоҳ қилиш, унга қўшимча ҳарфлар киритши, алифбодан ўзбек тили учун хос бўлмаган баъзи ҳарфларни чиқариб юбориш йўли; иккинчиси, кирил асосидаги алифбодан воз кечиш ва ўзбек ёзуви учун ҳозирги давр эҳтиёжларини тўлароқ қондира оладиган бошқа бир алифбо тизимига ўтиш йўли.

Мана шу масалада 1985-1990 йиллар давомида кўпгина илмий мунозаралар бўлди, хилма-хил фикрлар билдирилди. Бу фикрларни уч туркумга бирлаштириш мумкин; 1) арабча ёзув (алифбо)га қайтиш ҳақидаги фикрлар; 2) лотин ёзуви асосидаги алифбога ўтиш ҳақидаги фикрлар; 3) кирил ёзувида қолавериш ва жорий ўзбек алифбосини баъзи ўзгартиришлар киритиш йўли билан такомиллаштириш ҳақидаги фикрлар.

Лотин ёзуви асосидаги янги алифбога ўтиш ҳақидаги фикрни қўпчилик мақуллади ва бунинг афзаллик томонлари тилшунослар ёзган мақолаларда асослаб берилди.

Лотин ёзувига ўтиш масаласи ҳал бўлган бўлса-да, янги алифбо қандай бўлишлиги ҳақидаги манозаралар давом этди. Бунда икки нуқтаи назар кўзга ташланади: 1) Ўзбек ёзувида 1930-1940 йилларда қўлланилган лотин алифбосига қайтиш ва уни қабул қилиш ҳақидаги таклифлар; 2) лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбоси лойиҳасини яратиш ҳақидаги фикрлар.

Янги алифбонинг қандай ҳарактерда бўлиши лозимлиги тўғрисида ҳам икки хил фикр олдинга сурилди. Бу гуруҳ олимлар янги алифбо ўзбек тили хусусиятларидан келибчиқиши лозим, унинг товуш тизимини мукаммал ифодалаш керак, у ўзига хос бўлиши керак деб ҳисоблашди. Бошқа бир гуруҳ тилшунослар янги алифбони тузишда замонавий фан-техника талаблари ҳисобга олиниши лозим деган фикрни олдинга суришди. Кейинчалик қабул қилинган алифбода кўпроқ иккинчи фикр устунлик қилганини кўрамиз.

Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосининг бир неча лойиҳалари тузилди ва улар жамоатчилик томонидан қизғин мухокама қилинди ва ниҳоят 1993 йил 2 сентябрда “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Конуни қабул қилинди. Шундай қилиб ўзбек тили ёзуви янги тизимга кўчирилди. Қабул қилинган алифбода 31 ҳарф ва 1 тутук белгиси (аностроф) бўлиб, янги алифбо кирил асосидаги ўзбек алифбосидан ўзбек тилининг товуш тизимини нисбатан

тўлиқ ифодалади. Бу, айниқса, унда Hh (Х), Jj (Ж), Jj (Ж), Oo (ота) ва O`o` (ў) ҳарфларининг мавжудлигига ёрқин кўринди.

Янги алифбо қабул қилинса-да, ундаги баъзи ҳарфларнинг ўрни ва вазифаи юзасидан баъзи мунозаралар давом этди. Булар асоан алифбодаги “Ц” ҳарфининг кераксизлиги, ўзбекча О учун олинган белгини ўзбекча “ў” ва русча “о” (урғули бўғинлар) ифодалаш учун олиш лозим эканлиги, ҳамда баъзи ҳарфларнинг босма ва қўлёзма шаклларига аниқлик киритишга доир масалалар эди.

Мана шу муносабат билан алифбога баъзи тўлдириш, ўзгартиришлар киритилди ва у Ўзбекистон Олий Мажлисининг Қарори билан 1995 йил 6 май да узил-кесил тасдиқланди.

Шундай қилиб ўзбек тилининг график ва имловий нормаларида янги, улкан ўзгариш юз берди.

Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси крилл ёзувига негизи амалдаги ўзбек алифбосидан моҳиятан фарқланувчи ёзув тизимиdir. Шу билан бирга алифбода аввалги алифбо билан мос келувчи ўхшаш томонлар, шунингдек, кескин фарқланувчи хусусиятлар ҳам мавжуд. Булар қўйидагиларда кўринади.

1. Янги алифбода “ё” лашган унлилар деб юритиб келинган аслида ундош ва унли товушлар бирикмасини ифода этувчи е, ё, я, ё, ҳарфдари учун график белги мавжуд эмас ва улар лисоний табиатига мос равишда уе, уо, уи, уа зида ёзилади: Yeldirim, Yolqin, Yusuf, Yashin каби.

2. Янги алифбода русча сўз ва исмлар таркибида учрайдиган ц ва щ товушлари учун ҳам график белги олинмаган. Щ товуши ўзбек тилининг олдинги имло қоидаларига қўра шч бирикмаси билан ёзилар эди. Эндиликда русча Щедрин, Шерба каби исмлар (ш) ҳарфи орқали Шедрин (Shedrin) тарзида ёзилаверади. Худди шунингдек, цемент, центнер сўзи sement, sentner тарзида ёзилмоқда.

3. Янги алифбода арабча ўзлашма сўз ва нормлар таркибида ёзиладиган ь белгиси ўрнига (,) (апостроф) қабул қилинган. Криллча алифбода мустақил ҳарфий белги тарзида тушуниб келинган Ўзбекистон Республикаси беглиси эндиликда тегишли ўринларда ҳарфлар устида кўйилади ва мустақил ҳарф эмас, балкти график белги мақомига эга: Ma'mur (Маъмур), A'zam (Аъзам), A'lam (Аълам), San'at (Санъат), Tal'at (Тальят).

4. Янги алифбода русча-байналминал ўзлашма сўз ва атоқли отлар таркибида ёзилиб келинган ь (юмшатиш белгиси) учун ҳам ҳарфий белги олинмаган. Юмшатиш белгиси (ь) ҳозирга қадар ўзбекларнинг атоқли оти бўлган баъзи симлар таркибида (тельман, Офелья, Лазарь, Октябрь), шунингдек ўзбекча мантларда келган турли ажнабий атоқли отлар (исмлар, фамилиялар, топонимлар) таркибида ёзиб келинган эди. Янги ўзбек алифбоси ва

имло қоидаларининг талабига кўра эндиликда бундай атоқли отлар юмшатиш белгисисиз ёзилади.

5. Янги алифбога хос мухим хусусиятлардан бири – бурун товуши нг учун алифбода ҳарфий белги олангандир. Олдинги ёзувда н товушининг нг ҳарф бирикмаси орқали ёзилиши имло қоидаларидагина қайд этилган бўлса, янги алифбода бу товуш учун (Hg) Hg ҳарф бирикмаларидан иборат мустақил графема киритилган, амоо товушни график жиҳатда ифода қилишга аввалги анъана (ҳарф бирикмаси билан бериш – нг// ng каби) сақланиб қолинган. Демак, таркибида ана шу товуш мавжуд баъзи сўз ва исмлар шундай ёзилади: tong (тонг), keng (кенг).

6. Янги ўзбек алифбосидаги хусусиятлардан яна бири баъзи товушларнинг қўш ҳарфлар (ҳарфлар бирикмаси) билан ифодаланишидир. Булар sh (ш), ch (ч) ҳарфлари дидир. Бунга юқорида қайд қилинган ng ҳарфи ҳам киради. Демак ўзбекча сўзларнинг боши ўртаси ва охирида ёзиладиган ш,ч товушлари қайд қилинган қўш ҳарф билан ёзилади: shamol (шамол), shamshi (шамши) ва бошқалар.

7. Янги ўзбек алифбосидаги фоган 14 та ҳарф лотин ёзувининг ўзига хос бўлган графемалардир. Gg(Г), Ii (И), Jj (Ж), Ll (Л), Nn (Н), Qq (К), Rr (Р), Ss (С), Uu (Ү), Vv (В), Yy (Й), Zz (З), O`o` (Ў), G`g` (Ғ).

Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосининг афзалликлари, ўзбек миллий ёзуви ва маданий хаётида ўйнайдиган роли хақида олимларнинг бир қатор шарҳлари эълон қилинди.

Албатта юз фоиз мукаммал алифбо йўқ ва бўлиши ҳам қийин. Шу нуқтаи назардан ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосида ҳам баҳзи қусурларнинг мавжудлиги аниқ. Булар қисамн қўйидагилар:

1. Ўзбекча О ва ўзлашма ургунинг бўғинида келадиган о (ў) учун О беглисининг олинмаганлиги ва аксинча О` ҳарфининг қилингани;

2. О ва О` ҳарфларининг шаклан деярли бир хиллиги;

3. Ўзбекча О учун Аа белгисини олиб ҳозирги Аа вазифасини бошқа бирор шаклга юкламмаганлиги;

4. Алифбода баъзи товушларнинг ёзув (матний) иқтисодга ва умуман график нормалар тамойилига тескари равишда икки ҳарф билан ифодаланиши; Sh (Ш), Ch (Ч), Ng (Н);

5. Таълим жараёнида Sh, Ch, Ng ҳарф бирикмаларини битта ҳарф сифатида ўргатишнинг ва битта товуш сифатида талаффуз қилишнинг қийинлашгани. Шунингдек алифбода Щ,Ц,Ж (дж) товушларини ифода қилувчи ҳарфлар қабул қилинмагани ҳам қанчалик ўзини оқлашини келажак ёзув амалиёти кўрсатади.

Тилга эътибор эндиликда мустақил Ўзбекистон давлати маданий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирини ташкил этмоқда. Бу сиёсатнинг негизини ўзбек адабий тилининг ижтимоий хуқуқлари ва мавқеини тўла тиклаш, адабий тилни янада ривож топтириш, унинг лисоний нормаларини янада бойитиш, силлиқлаш ва такомиллаштириш, тилнинг ҳалқ маданияти ва маънавиятининг улуғ хазинаси бўлмиш лугавий бойликларини авайлаб асраш, тилдаги қадимий ҳалқона анъаналар, миллий-лисоний рухни тиклаш, бойитиш ва уни муҳофаза қилиш каби туғри ва изчил йўл ташкил қиласди.

Истиқбол ўлкаси бўлмиш Ўзбекистон тил сиёсатининг енгизлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тил масалаларига оид фармонлари ва нутқларидан, Ўзбекисон Олий Мажлиси, Республика Вазирлар Маҳкамаси давлат тили, алифбо, имло, терминология, топонимия юзасидан қабул қилган Қонунлар, Қарорлар ҳамда давлат дастурларидан ўз ифодасини топмокда.

Кейинги беш йил ичида давлат тили, терминология, янги алифбо ва имло, топонимия бўйича қабул қилинган Қонун ва Қарорларни амалга ошириш билан шуғулланувчи бир неча республика комиссиясининг тузилгани Ўзбекистон хукуматининг тил соҳасига катта эътибор билан қараётганлигининг ёрқин далилидир.

Тил соҳасида олиб борилаётган назарий ва амалий ишларнинг рӯёюга чиқиши ҳамда истиқболли бўлиши кўп жиҳатдан бу борада қилинаётган ишларнинг илмий асосларга қўйилиши, етарли равишда илмий асосланган бўлишига боғлиқдир. Мана шундай илмий асослилик негизини ўзбек адабий тили нормаларига тўғри муносабат, унинг яшаш қонун ва қоидаларини етарли равишда ҳисобга олган ҳолда иш тутиш ташкил этади.

Мазкур рисолада биз, асосан, тил нормасига бағишлиланган илмий адабиётларни кўздан кечирдик ва улардаги фикрларни таҳлил қилдик. Ишнинг бундан кейинги қисмларида муаллифлар тил нормаси тушунчаси, жумладан, адабий норманинг моҳияти, адабий норманинг типлари, адабий норма таянадиган лисоний ва нолисоний мезонлар, бу тушунчаларнинг ўзбек адабий тили нормалари тизимидағи қўринишлари, адабий норма ва ўзбек нутқи маданияти муаммолари каби масалаларни ёритишни кўзда тутмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Бегматов Э. Ва бошқалар. Адабий норма ва нутқ маданияти. Тошкент: “Фан”, 1983.
2. Маҳкамов Н. Адабий норма ва плеоназм. Тошкент: “Фан”, 1998.
3. Маматов А. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. Тошкент: “Фан”, 1991.
4. Шварскопф Б.С.Очерк развития теоретических взглядов на норму в советском языкоznании. // Актуальные проблемы культуры речи. М.: 1970, с, 369.
5. Пражский лингвистический кружок. – М.: 1967, 340-бет.
6. Едличка А.Проблематика нормы и кодификации литературного языка в отношении к типу литературного языка. // Проблемы в славянских литературных языках в синхронном и диахронном аспектах. М.: 1976. с. 18-19.
7. Дзекиревская Л.Н. К.Проблеме нормы в языке и стиле. (На материале немецкого языка) // Вопросы германской и романской филологии. Учен. Зап. МГПИИЯ, т.27, -М.: 1963, с. 279
8. Барнет В.Языковая норма в социальной коммуникации. // Проблемы и нормы славянских литературных языков в синхронном и диахронном аспектах. М.: 1976. с. 48.
9. Косериу Э. Синхрония, диахрония и история. // Новая в лингвистике. Вқп. З.М.: 1963.
10. Гухман М.М. От языка немецкой народности а немецкому национальному языку. Ч. II.М.: 1959. с.172.
11. Ломоносов М.В.Полное собрание сочинений. Т.7, Труды по филологии. 1739-1758, М.-Л.: 1952.
12. Обнорский С.П. Ломоносов и русский литературный язык. // избранные работы по русскому языку. М.: 1960.
13. Греч. А.Н. Справочное место русского слова. Спб. 1839. 1846; Зеленецкий К. О.русском языке Новороссийском крае. Одесса. 1855; Долоачев В. Опыт словаря неправильностей в русской разговорной речи. Варшава 1909; Огиенко И.И. Словарь неправильных, трудных и сомнительных слов, синонимов и выражений в русской речи. Киев, 1915; Огиенко И.И. Правильности и чистота русской речи. Воронеж, 1912 ва бошқалар.
14. Якубинский Л.Очерки по языку. М.: 1932.
15. Щерба Л.В. Восточнослужицкое наречие. Т. 1 Пг. 1915.
16. Щерба Л.В. О трояком аспекте языковых явлений и об эксперименте в языкоznании // Изв. АН СССР. Отделение литературы и языка. 1931. 1. с. 113.
17. Истрина Е.С. А.А. Шахматов как редактор словаря русского языка. // известия АН СССР отделение литературы и языка. 1946, Т.5.с.415.

18. Пешковский А.М. Объективная и нормативная точка зрения на язык. // Русский язык в школе. Вып. 1.М.-Пг. 1923.
19. Абдурахмонов Ф. Ўзбек адабий тилининг стилистик нормалари // Ўзбек тили нутқ маданиятига оид масалалар. Тошкент, 1973. 53-бет.
20. Иброхимов С. Нутқ маданияти ва адабий талаффуз хақида. Тошкент : “Фан” 1972.



МУНДАРИЖА

1. Тил нормаси тушунчаси ва унинг ўрганилиш тарихидан.....	7
2. Лисоний норма муаммосининг чет эл тилшунослиигида ўтганилиши.....	9
3. Норма масаласининг рус тилшунослиигида ўрганилиши.....	24
4. Туркий тилшуносликда лисоний норма муаммоларининг ўрганилиши.....	31
5. Лисоний норма муаммоларининг ўзбек тилшунослиигида ўрганилиши.....	37

Илмий-оммабоп нашр

Э.Бегматов, А.Маматов

“АДАБИЙ НОРМА НАЗАРИЯСИ”

1-қисм

Мұхаррир: Тұлқин Эшбек

“Наврұз” нашриёти